Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 20 ноябрь, шанба № 220—221 (21.572). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франциядаги «Луис Дрейфус» компанияси соҳиби ва раиси жаноб Жерард Луис Дрейфусни, компания вице-президенти Жан Мари Фушер ва мазкур жамоа бош директори Жорж Гатефни қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари хорижлик меҳмонларга истиқлол туфайли мамлакатимизда қўлга киритилаётган ютуқлар, республиканинг бой табиий ресурслари, дунёдаги бир қанча банклар билан йўлга қўйилган алоқалар, Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ва жаҳон бозорида унинг ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Жаноб Жерард Луис Дрейфус кўрсатилган меҳмондўстлик ва ўзбекона иззат-икром учун миннатдорлик изҳор этди. 140 йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур компаниянинг раҳбари Ўзбекистонда ишбилармонлик учун қулай шароитлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков. Бош вазирнинг ўринбосари Қаюм Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул чоғида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎРТКЎЛ ШАҲРИ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қадимий Тўрткўл шаҳрини ободонлаштиришдаги хизматлари, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПАХТАКОР»

Айитов Ибрагим — «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Тўрткўл тумани

Акимниязов Убайдулло — Мискин номидаги жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Тўрткўл тумани

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Ибрагимов Юсуп Нуруллаевич — «Тўрткўлгаз» бошқармасининг устаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Ишмуратова Якут Розумбетовна — Тўрткўл тумани Марказий шифохонасининг бўлим мудири

БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Абдуллаев Саъдулла — Тўрткўл хўжалик-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш заводининг созловчиси

Жабборов Шоҳназар Бегимович — 35-механизациялашган кўчма колоннанинг прораби

Ибодуллаева Саодатхон — Тўрткўл тумани ҳокимининг ўринбосари

Игликов Фарҳад Сабурович — электр тармоқлари корхонасининг электромонтёри, Тўрткўл тумани

Никитина Марта Дмитриевна — Л. Толстой номли 5-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Тўрткўл шаҳри

Сейтов Омонбой Беимбетович — Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига қарашли махсус таъмирлаш-бутлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги участкаси чилангари, Нукус шаҳри

Шарипов Шоназар Отажонович — 5-автокорхона ҳайдовчиси, Тўрткўл тумани

Қобулов Қадам Ражапович — 1-шаҳар маданият уйининг бадиий раҳбари

Қодиров Жумабой Толибоевич — «Ўзсаноатфуқарокурилиш» концернига қарашли 166-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармаси дурадгори, Нукус шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 18 ноябрь.

ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ БЎЛДИ

18 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. А. Азимов ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун вилоят партия кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Жиззах вилоят ҳокимининг муовини бўлиб ишлаган Г. Субҳонова Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Жиззах вилоят ҳокими А. Тошкенбоев, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Мирқосимов қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

• *8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Хоразм вилояти шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу борада жойларда кенг тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Конституциясининг асосий моддалари ва мазмуни кенг меҳнаткашлар онгига етказилмоқда, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, мустақил давлатимиз эришаётган ютуқлар аҳолига тушунтирилмоқда.

Урганч шаҳрида Конституциянинг бир йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил давлатнинг биринчи Конституциясидир» деган мавзуда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов, «Конституциянинг асосий принциплари ва ҳуқуқий моҳияти» тўғрисида эса вилоят судининг раиси Мадрим Жуманиёзов маъруза қилдилар.

Анжуманда республикамизда демократиянинг изчил ривожланиб бораётганлиги, у умуминсоний тизимларга, фуқароларнинг эркинлиги ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилганлиги зўр мамнуният билан қайд қилинди.

Т. ЕНГУЛАТОВ.


• *ХДП ташаббуси билан*

«ҲАЗРАТИ ИНСОН» ИЖОДКОРИНИ ХОТИРЛАБ

Одамзоднинг умри ўлчовли. Тақдирга қанча ёш битилган бўлса, шунча яшайди. Биров юз йил, биров кам дегандай... Лекин умрнинг узунлиги ҳам, ҳаётнинг боқийлиги ҳам ана шу одамнинг қандай яшаб ўтганига боғлиқ. Бу аён ҳақиқат. Ишқилиб, дунёдан ўтиб кетгандан сўнг ортингдан эзгулик ила эслашса...

Раҳмат Файзий домланинг чироғи ёниб турганига кечаги пайшанбада гувоҳ бўлдик. Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими, Шайхонтоҳур туман кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий таваллудининг 75 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Эрта тонгда ёзувчи яшаб ўтган хонадонда йўқлов маросими бўлди. Таниқли адиб билан елкадош бўлган ёру-биродарлари, шоир-ёзувчилар, журналистлар, маҳалладошлар йиғилдилар. Сўнгра эса у кишининг хотирасига мармар лавҳа очилди.





Пешиндан сўнг Ҳамза номидаги академик театрда хотира кечаси бошланди. Йиғинга домланинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, адибни билган, севган мухлислари, ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари келдилар. Уни Шайхонтоҳур тумани партия кенгашининг биринчи котиби Эркин Холмирзаев очди. Адибнинг ҳаёти ва ижоди хусусида Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Салоҳиддин Мамажонов маъруза қилди.

Муҳташам театр саҳнасига ҳокисор инсоннинг каттакон сурати қўйилган. Гўё у зот ўз элдошларига, кўнгил яқинларига, савобталаб инсонларга миннатдор нигоҳ ташлаётгандай... Ёзувчининг қизи, адабиётшунос олима Дилбархон Файзиева ўша унсиз ташаккурни кўнгли тўлиб-тўлиб етказганида йиғилганларнинг юракларини бир ботиний ҳазинлик чулғади.

Унинг номини дунёга танитган биргина «Ҳазрати инсон» романининг ўзи неча-неча том китобларнинг ўрнини босиб кетди, Шукрки, бугун ҳам ўзбекнинг катта-кичиги бу китобни фахр билан эсга олади. Нафақат бизнинг тилимизда, балки жаҳоннинг ўн олти тилида бу асар чоп этилди ҳам. Шунинг ўзи Раҳмат Файзий домла тириклигида ўзига ҳайкал қўйиб кетганини билдиради.

Адибнинг тенгдошларидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ўз дўстини хотирлаб, «Ҳазрати инсон» чин инсонга қасидадир. Раҳмат роман ёзди. Лекин унинг ўзини ҳам бир роман қиладиган эди, дея эслади. Шунингдек, кечада Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Рамз Бобожон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, адабиётшунос олим, профессор Лазиз Қаюмов, Наврўз маҳалла қўмитаси раиси Олимжон Ортиқов, Ўзбекистон халқ артисти Баҳтиёр Ихтиёровлар Раҳмат Файзий ҳақида энг самимий хотираларини айтдилар, унинг ҳақиқий инсоний фазилатлари ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.

Дарҳақиқат, бундай хайрли тадбирни ўтказишда Халқ демократик партияси бош-қош бўлганини сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлашди. Дарвоқе, партиянинг Дастурида инсонпарварлик ғоялари кенг ўрин эгаллаганлиги ва уни ҳаётга татбиқ этишда амалий иш олиб борилаётганлиги таҳсинга лойиқ.

— Партиямиз эндигина икки ёшга кирди, — деди ўз сўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг бўлим мудири Зиёдулла Давронов. — Биз ўз дастуримизга киритилган вазифаларимизга содиқмиз. Ўйлайманки, бундай тадбирларни ўтказиб туриш савобли иш. Ҳам маънавий, ҳам моддий мададга муҳтож оилаларни зарур пайтда йўқлаб турсак яхши бўлади. Ахир маънавий дунёмизнинг бойлиги мана шундай ишларимизда кўринади-да. Раҳмат Файзий нафақат ёзувчи, журналист, балки бетакрор инсоний фазилатларга эга бўлган зот эдилар. Шундай экан, у кишининг, қолаверса, у каби олийжаноб инсонларнинг руҳларини шод этмоқ бурчимиздир. Партиямиз бундан кейин ҳам шундай эзгу ишларда ташаббускор бўлаверади.

Кечанинг бадиий қисми бошланади. Машҳур санъаткор, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов Раҳмат Файзий монологини ўқийди. Залда жимлик. Ҳамманинг кўз ўнгида Ҳазрати инсон гавдаланади...

Хотира кечаси ниҳоясига етиб, йиғилганлар аста-секин тарқаладилар. Барчанинг кўнглида бир ҳайрат ва шодмонлик сезилади. Бир-бирларига «шундай улуғ инсонни хотирлаганлар савобга қолади-да» деб қўядилар...

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: Раҳмат Файзий яшаган уй деворига ўрнатилган мармар лавҳани очиш маросими.

Суратларни Абдувоҳид Тўраев олган.

• *Ўзбекистон—Буюк Британия*

Пол БЕРН: ТАШРИФДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Жаноб Пол Берн Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида республикамиз Президентига ишонч ёрлиғи топширганига атиги бир неча кун бўлди. Мазкур муҳим воқеа Ислом Каримовнинг Буюк Британияга расмий сафари арафасида содир бўлгани бежиз эмас. Зеро, бу Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг ўзаро муносабатларини янги поғонага кўтариш ниятида эканлигининг ифодаси.

Тарихий сафар арафасида элчи жаноблари билан суҳбатлашар эканмиз, дастлаб уни масъулиятли лавозим билан қутладик. Сафарга тайёргарлик қандай бораётгани, ундан қандай натижалар кутилаётгани билан қизиқдик.

— Ўзбекистон Президентининг Буюк Британияга сафари бироз кейинроққа мўлжалланган эди. Бироқ, тақдир инояти билан ташрифни шу йилнинг 22—25 ноябрида амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Мен аввало, Буюк Британия ва Ўзбекистон алоқалари муттасил ривожланиб бораётганлигини таъкидлашни истар эдим.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизга сафари самарали бўлиши кутилмоқда. Чунки, қисқа муддат ичида қизғин тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия ўртасида давлатлараро алоқалар принциплари тўғрисидаги қўшма декларация, иқтисодий ҳамкорлик ҳақида, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш хусусидаги битимлар имзолашга тайёрлаб қўйилди. Шу кунларда ҳаво йўллари соҳасида ҳамкорлик қилиш имконини берадиган битим устида ишлар олиб борилмоқда.

Ўйлайманки, мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қиладиган ушбу муҳим ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик учун янги уфқлар очади.

— Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари нималардан иборат?

— Ҳамкорликнинг уч йўналишини таъкидлаш лозим деб ўйлайман. Биринчиси — ишбилармонлик ва тижорий йўналиш. Хабарингиз бор, ҳозирги кунда Ўзбекистонда Буюк Британиянинг бир қанча компаниялари, банклари вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Улар пахтани қайта ишлаш, банк тизимларини такомиллаштиришда ҳамкорлик қилмоқда. Пахта савдоси билан машғул бўлган «Релли Бразерс», тоғ-кон қазилмалари билан шуғулланувчи «Лонро», тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бритиш Американ Тобако» ҳамда самолётлар ишлаб чиқарувчи «Бритиш Аэрспейс» фирма ва компаниялари шулар жумласидандир. Ташриф чоғида имзоланадиган ҳужжатлар Ўзбекистонга сармоя киритиш ниятида бўлган фирма ва компаниялар сафини янада кенгайтириш имкониятини яратишига ишончим комил.

Буюк Британия собиқ СССР таркибида вужудга келган ёш мустақил республикаларга, жумладан, Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатиш дастурига эга. Ана шу дастур асосида амалга ошириладиган ишларни ҳамкорлигимизнинг иккинчи — техник-иқтисодий йўналиши дейиш мумкин. Ҳисобчилар банк кадрларини тайёрлашда кўмаклашиш, уларни ғарб банклари иш услублари билан таништириш шу дастур асосида амалга ошириладиган тадбирлардандир.

Маданий ҳамкорлик ўзаро фаолиятимизнинг учинчи йўналиши ҳисобланади. Мамлакатимизда бу ишлар билан Британия кенгаши шуғулланади. Афсуски, Британия кенгаши ҳалигача Ўзбекистон ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Ҳозиргача Ўзбекистон билан маданий алоқаларни ривожлантириш ишлари кенгашнинг Анқарадаги ва Москвадаги ваколатхоналари орқали амалга оширилмоқда. Келажакда, Британия кенгаши Ўзбекистонда ваколатхонасига эга бўлгач, бу соҳадаги ишларимиз юришиб кетади.

— Элчихона Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш учун қандай ишларни режалаштирмоқда?

— Британия кенгашининг Анқарадаги ваколатхонаси Ўзбекистонда инглиз тилини ўрганишнинг замонавий услубларини татбиқ этишда масъул. Бу борада талай ишлар қилинди. Яқинда қарийб ўн кишидан иборат делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Улар Тошкентда, Самарқандда, Андижон ва Бухорода бўлдилар, ўқув юртларида ўқитувчилар, талабалар билан учрашдилар. Ўз тажрибаларини баҳам кўрдилар. Январь ойида шу каби яна бир делегация келиши кутилмоқда. Биз тил ўрганишда замонавий адабиётлар, техника воситалари билан кўмаклашишни режалаштирганмиз.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро театрлар фестивалида мамлакатимиздаги икки театрдан вакиллар иштирок этди. Умид қиламизки, бундан буён бўладиган тадбирларда Буюк Британиядан кўпроқ театрлар ташриф буюради. Чунки, биз энди элчихонамиз ходимлари билан бу ишларда кўмаклашамиз. Қолаверса, Ислом Каримовнинг мамлакатимизга ташрифи маданий алоқаларимизни ҳам янги, юксак босқичга кўтаришидан умидвормиз. Сўзимнинг ниҳоясида бозор иқтисодиётига асосланган янги муносабатларга ўтилаётган ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистон халқига омад ва бахт тилайман.

Амирқул КАРИМ суҳбатлашди.

(ЎзА).

• *Мустақиллик сабоқлари*

МАҚСАДЛИ ВА АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ОМИЛЛАРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлари собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларида турлича рўй бермоқда. Узоқни кўзлаб юритилаётган изчил ва оқилона сиёсат туфайли мазкур босқич мустақил Ўзбекистонда ларзаларсиз, нисбатан барқарор тарзда кечмоқда.

Бунга мамлакат халқ хўжалиги жабҳаларини мутаносиб равишда ривожлантириш муҳим омил бўлаётир. Айни пайтда аҳолининг кенг қатламини адолатли ижтимоий ҳимоялаш учун Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимининг аниқ ва изчил ҳаракати талаб қилинади. Шу сабабли мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Б. Ҳ. УМУРЗОҚОВ билан суҳбати ижтимоий ҳимоя омилларига бағишланди.

— Баҳодир Ҳамидович, мустақил мамлакатимизнинг биринчи Конституциясида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи аниқ белгилаб берилган. Бу инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин белгисидир. Айтингчи, ана шу ғамхўрлик учун қандай кафолат таъминланган?

— Меҳнаткаш халқнинг, айниқса, фахрийларнинг, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси вазирлигимиз олдига асосий мақсад қилиб қўйилган. Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинганига ҳам бир йил тўлмоқда. Конституциямизнинг ҳар бир моддаси инсон манфаати, одамларга ғамхўрлик қилиш ғояси билан суғорилган. Асосий Қонуннинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари; эркинликлари ва бурчлари» деб номланувчи иккинчи бўлимидаги 39-моддасида жумладан шундай дейилади: — «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

Бу сатрларнинг тўғри ва узоқни кўзлаб яратилганлигини меҳнаткашларга ижтимоий таъминот кўрсатаётган ғамхўрликдан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда бундай ғамхўрликдан 2 миллион 500 мингдан ортиқ киши баҳраманд, уларга фақат 1993 йилнинг ноябрь ойи мисолида фақат пенсия тўлаш учун салкам 60 миллиард рубль сарфланганлиги ушбу ғамхўрликнинг ифодасидир.

Бундан ташқари, уларни моддий ва маънавий ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Фахрийлар, уруш ва меҳнат ногиронларига уй-жой бериш, турар жойларини таъмирлаш, уй қуриш учун қарз бериш, телефон ўрнатиш, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи билан таъминлаш, сиҳатгоҳ ва оромгоҳларга йўлланмалар беришлар ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Айниқса, Президентимизнинг 1991 йил 27 майда имзолаган «Ўзгалар парвариши»га муҳтож ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги қўшимча тадбирлар ҳақида»ги ҳужжати инсонпарварлик ва меҳр-мурувватнинг ёрқин намунасидир. Ҳозирги пайтда уч ярим мингдан ортиқ ходимларимиз 32.274 нафар ёлғизларга хизмат қилмоқдалар. Улар уй-жой, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинганлар. Шу билан биргаликда тирикчилик учун зарур бўлган озиқ-овқатлар, дори-дармонлар қисман бепул берилмоқда.

Бу борада битта муқояса келтираман, шундан газетхонларимиз Ўзбекистонда ижтимоий таъминот аҳволи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишади. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий даромаднинг учдан бир қисми ижтимоий таъминот сарфинётини ташкил этади!

— Ҳозир Ўзбекистон халқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳот жараёни давом этмоқда. Ана шу ўзгаришлар Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида қандай кечмоқда?

— Мамлакат иқтисодининг бозор муносабатлари тартибига ўта бошлаши ижтимоий таъминот соҳасида ҳам ислоҳот қилишни тақозо этади.

Бу борада бизнинг асосий вазифаларимиз пенсия таъминоти, болали оилалар учун нафақалар, ногиронлар, айрим шахслар учун имтиёзлар, ёлғизларга хизмат кўрсатиш, протезлар билан таъминлаш, ёлғиз қарияларни, ногиронларни давлат ҳисобидан боқиш каби тадбирларни амалга ошириш эканлиги, бу борада нуқсонлар ва камчиликларга йўл қўймаслик учун тадбирий чораларни кўриб ўз тизимимизнинг ислоҳот йўлларини тузиб чиқдик. Бу уч асосий йўналишдан иборат.

Биринчи йўналиш — тизим бошқарувини такомиллаштиришдан иборат. Бу борада республика ҳукумати «Ўзбекистон ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорнинг асосий моҳияти шундан иборатки, эндиликда ижтимоий таъминот соҳасига тегишли барча масалалар ва муаммолар пенсионер яшаб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимларида ҳал қилинади. Бу ҳам пенсионерларга, ҳам тизимимизга қулайдир. Вилоятлар марказида жойлашган пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш марказлари ҳамда «Ғамхўрлик» марказлари тугатилиб, уларнинг вазифаларини туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари амалга оширадилар. Ўта марказлашган бюрократик тизимдан бугунги бозор муносабатларига мос, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини ҳисобга олган янги бошқарув тизимини тузмоқчимиз. Қарорда тизимимиз учун мутахассислар тайёрлаш ва ижтимоий таъминот тизимини янги замонавий техника жиҳозлари билан таъминлашга катта эътибор берилган.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий таъминот ва ёрдамнинг молиявий манбаларини тартибга солишдан иборатдир.

Яқинларгача ижтимоий таъминот ва ёрдамнинг молиявий манбалари хилма-хил бўлиб, улар орасида ҳеч қандай ўзаро алоқа ва муносабат деярли йўқ эди. Натижада маблағнинг айрим қисми унча зарур бўлмаган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланишига, уларни назорат қилишда қийинчиликларга олиб келар эди.

Албатта, ижтимоий ёрдам маблағ билан боғлиқ масала. Шунинг учун молиявий барқарорлик зарур. Лекин бугунги иқтисодий қийинчиликлар бу ишни янада ривожлантиришга, кенгайтиришга имкон бераолмайди. Фақат давлат маблағига боқиманда бўлиб ўтириш ҳам ярамайди. Шунинг учун молиявий манбаларни тартибга солиб, янги бақувват пойдевор яратишимиз ва уни ишлата олишимиз керак. Мазкур молиявий тизим ҳар бир меҳнат қилаётган фуқаронинг қариликда ёки ночорлигида керакли бўлган миқдордаги пул заминни вужудга келтиришига имкон яратмоғи керак. Биз аҳолининг ижтимоий суғурталанишига, бу қонуний ва молиявий жиҳатдан афзаллигини онгига тушунтириб, ўзининг меҳнати пировард натижасида етарли миқдордаги пенсия оладиган янги молиявий тизимни жорий қилмоқчимиз.

Бу ўта муҳим ишни тартибга солиш мақсадида шу йилнинг август ойида ҳукуматимиз қарори билан республикамизда илк бор ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарманинг маблағлари пенсия, нафақалар, шу жумладан вақтинчалик касал бўлганда тўланадиган нафақалар ҳамда ижтимоий ёрдам учун сарфланади.

Учинчи йўналиш — тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат. Тизимимизда қўлланаётган амалдаги қонунлар социалистик тузум даврида қабул қилиниб, на бизнинг янги Конституциямизга ва на бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олади. Шунинг учун янги қонунлар ишлаб чиқиш давр талабидир. Вазирлигимиз мутахассислари иштирокида тайёрланиб, Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни бу борадаги ишларимизнинг муқаддимаси десак бўлади.

Умуман яқин орада республикамизда болаларга нафақалар, ижтимоий суғурта, тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Бу қонунлар Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик пайтида жамғармасига тегишли бадалларни ўз вақтида ўтказишни таъминлашлари вақти келди. Чунки республикамизнинг кам таъминланган табақаларидан ҳисобланган пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси маблағларнинг ижтимоий суғурта жамғармасига ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ.

— Ўтиш даврининг дастлабки босқичида пенсиялар миқдорини белгилашда қисқа муддат текисчилик сиёсатига амал қилинди. Бундан барча бирдай рози эмасди, албатта. Табиийки, бу ҳол узоққа бормади. Ижтимоий адолат қондасига кўра нафақалар миқдори ҳар кимнинг хизматига яраша белгиланди. Айтингчи, пенсиялар миқдорини белгилаш тўла такомиллашдими ёки бу борада янги мўлжаллар борми?

— 1992 йилнинг 1 январидан муаммолар пенсионер яшаб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимларида ҳал қилинади. Бу ҳам пенсионерларга, ҳам тизимимизга қулайдир. Вилоятлар марказида жойлашган пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш марказлари ҳамда «Ғамхўрлик» марказлари тугатилиб, уларнинг вазифаларини туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари амалга оширадилар. Ўта марказлашган бюрократик тизимдан бугунги бозор муносабатларига мос, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини ҳисобга олган янги бошқарув тизимини тузмоқчимиз. Қарорда тизимимиз учун мутахассислар тайёрлаш ва ижтимоий таъминот тизимини янги замонавий техника жиҳозлари билан таъминлашга катта эътибор берилган.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий таъминот ва ёрдамнинг молиявий манбаларини тартибга солишдан иборатдир.

Яқинларгача ижтимоий таъминот ва ёрдамнинг молиявий манбалари хилма-хил бўлиб, улар орасида ҳеч қандай ўзаро алоқа ва муносабат деярли йўқ эди. Натижада маблағнинг айрим қисми унча зарур бўлмаган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланишига, уларни назорат қилишда қийинчиликларга олиб келар эди.

Албатта, ижтимоий ёрдам маблағ билан боғлиқ масала. Шунинг учун молиявий барқарорлик зарур. Лекин бугунги иқтисодий қийинчиликлар бу ишни янада ривожлантиришга, кенгайтиришга имкон бераолмайди. Фақат давлат маблағига боқиманда бўлиб ўтириш ҳам ярамайди. Шунинг учун молиявий манбаларни тартибга солиб, янги бақувват пойдевор яратишимиз ва уни ишлата олишимиз керак. Мазкур молиявий тизим ҳар бир меҳнат қилаётган фуқаронинг қариликда ёки ночорлигида керакли бўлган миқдордаги пул заминни вужудга келтиришига имкон яратмоғи керак. Биз аҳолининг ижтимоий суғурталанишига, бу қонуний ва молиявий жиҳатдан афзаллигини онгига тушунтириб, ўзининг меҳнати пировард натижасида етарли миқдордаги пенсия оладиган янги молиявий тизимни жорий қилмоқчимиз.

Бу ўта муҳим ишни тартибга солиш мақсадида шу йилнинг август ойида ҳукуматимиз қарори билан республикамизда илк бор ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарманинг маблағлари пенсия, нафақалар, шу жумладан вақтинчалик касал бўлганда тўланадиган нафақалар ҳамда ижтимоий ёрдам учун сарфланади.

Учинчи йўналиш — тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат. Тизимимизда қўлланаётган амалдаги қонунлар социалистик тузум даврида қабул қилиниб, на бизнинг янги Конституциямизга ва на бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олади. Шунинг учун янги қонунлар ишлаб чиқиш давр талабидир. Вазирлигимиз мутахассислари иштирокида тайёрланиб, Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни бу борадаги ишларимизнинг муқаддимаси десак бўлади.

Умуман яқин орада республикамизда болаларга нафақалар, ижтимоий суғурта, тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Бу қонунлар Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик пайтида жамғармасига тегишли бадалларни ўз вақтида ўтказишни таъминлашлари вақти келди. Чунки республикамизнинг кам таъминланган табақаларидан ҳисобланган пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси маблағларнинг ижтимоий суғурта жамғармасига ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ.

— Ўтиш даврининг дастлабки босқичида пенсиялар миқдорини белгилашда қисқа муддат текисчилик сиёсатига амал қилинди. Бундан барча бирдай рози эмасди, албатта. Табиийки, бу ҳол узоққа бормади. Ижтимоий адолат қондасига кўра нафақалар миқдори ҳар кимнинг хизматига яраша белгиланди. Айтингчи, пенсиялар миқдорини белгилаш тўла такомиллашдими ёки бу борада янги мўлжаллар борми?

— 1992 йилнинг 1 январидан бошқармалари билан мулоқот қилишдан бошладим. Ижтимоий таъминот тизими билан яқиндан танишганимдан сўнг шунга амин бўлдимки, яна қатор ташкилий ишларни амалга ошириш кераклигидан ташқари қўлланма ва низомларимизда ортиқча расмиятчиликлар борлигини ва ҳозирги шароитга тўғри келмаслигини, чунончи, илгари авж олган қоғозбозлик, маъмуриятчилик барҳам топмаганлигини яққол сездим. Янгича ишлашни ана шу камчиликларни йўқотишдан бошладим. Сир эмаски, қайси жабҳада бўлмасин, ишни ривожлантириш учун ўз соҳасига садоқатли жонкуяр кадрлар керак. Шунинг учун кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш мақсадида тизимимизда ишлаётган раҳбар ходимларни бирма-бир кўрикдан ўтказдик. Фуқароларни вазирликда эмас, жойларга, вилоят, туман, меҳнат жамоаларига бориб қабул қилишни жорий этдик. Шу жиҳатдан ариза ва шикоятлар 25—28 фоизга камайди. Бу услуб бугунги нарх-навони ошган пайтда пенсионерларимизга ҳам қулай.

Ҳайъат аъзолари республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қайта тасдиқланди. Айрим бошқарма бошлиқлари вилоят, туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, идора, ташкилот раҳбарларини ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган, зиммасидаги масъулиятни ҳис қиладиган, янги ислоҳотларга ҳамнафас қадам ташлайдиган кишилар билан алмаштиришга тўғри келди. Ҳозирги кунда асосий ишларимиздан бири — пенсия ва нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш жараёнларини ўрганиб нафақа тўлаш марказларига барҳам бериб, уларнинг вазифасини ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклашдан иборатдир.

Эндиликда ходимларнинг дам олиш кунлари, кечқурун иш вақти тугагандан кейин қолиб ишлаш одатига чек қўйдик. Бизга бугунги кун муаммоларини тушунадиган, ислоҳотни аниқ тасаввур қилаоладиган ва энг муҳими кексаларга меҳрибон, дардкаш кадрлар керак. Олдинлари кечаю-кундуз ишлаб ишнинг моҳиятини билмайдиган услубларни бекор қилдик. Озроқ тадбир қилиб, лекин ҳар бир тадбирнинг талабини охирига етказиб пировард натижаси бўйича ходимларга ҳам моддий, ҳам маънавий баҳо бериш услубларини киритдик. Ёмон кўрганим — режасиз иш юритиш. Режасиз ишлаш бу кўзни боғлаб кўчада юриш билан тенг.

Аммо, минг афсуски, соҳамизда сўнгги йилларда ижтимоий таъминот идораларининг иши мазмунини яхши билмайдиган, тизимининг асосий мақсадларини ифодаламайдиган, мутахассислиги бўйича бу соҳага бутунлай ёт баъзи «ходим»лар келиб қолганлиги маълум бўлди. Бошқа соҳаларга керак бўлмай қолган, мустақил иш юритишга ожизлик қилиб ижтимоий таъминот тизимига жойлашиб олган тарихчилар, кимёгарлар, агрономлар, муҳандислар бор экан. Мен бу ҳолни англашилмовчилик эмас, балки масъулиятсизлик деб биламан. Кадрлар масаласида ташкилий қадамларимиз ана шу сабаб билан боғлиқ. Вазирлигимизнинг янги Низомида кадрларга, уларнинг мутахассислигига талаблар аниқ ёзиб қўйилди ва шу бўйича ўзимизнинг кадрлар сиёсатимизни олиб бораяпмиз.

Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Аҳолини адолатли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов тутган сиёсатни амалий ишлар билан қўллаб-қувватлаш, янги пенсия қонунини амалга ошириш, болалар учун нафақалар, ногиронлар ва айрим шахслар учун имтиёзлар бериш, ёлғизларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протезлар ва коляскалар билан таъминлаш, якка-ёлғиз қариялар ва майиб-мажруҳ кишиларни давлат ҳисобидан боқиш каби тадбирларни зудлик билан ҳал қилишимиз тақозо этилади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини тизимимизнинг масъул ходимлари иштирокида видеотасвир орқали кўриб чиқдик. Унда олдинга қўйилган вазифаларни ижтимоий таъминот вазирлиги учун ҳам тааллуқли деб тушунамиз. Айни пайтда Президентимизнинг республика Вазирлар Маҳкамасидаги тўққиз ойлик иш якунлари таҳлилига доир мажлисда сўзлаган нутқидаги танқидий мулоҳазаларни аввало ўзимизга даҳлдор деб қабул қилдик.

— Баҳодир Ҳамидович, «Ўзбекистон овози» газетасига меҳнаткашлар ўз ҳаётий муаммолари юзасидан тез-тез мурожаат қилиб туришади. Сиз билан учрашаётганимиздан фойдаланиб газетхонларимизнинг айрим саволларини тақдим этсам. Унга шу соҳа билан шуғулланаётган ходимларингиз кўмагида жавоб берсак.

— Жуда маъқул. Марҳамат.

— Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Мингтут қишлоқ Кенгашидан Болтабой Рўзиев ўз хатида 1989 йилда пенсияга чиққанлигини, 40 йилдан зиёд тракторчилик қилганлигини ёзибди. Шунча меҳнат қилиб менга бериладиган нафақа 12 минг сўм белгиланди, ахир ишламаганлар ҳам мендан кўп оляпти-ку, деб савол берибди.

— Ходимларимиз Болтабой Рўзиевнинг ҳужжатлари билан танишиб чиқишди. У кишининг иш давомийлиги, хатда ёзганларидек 40 йилдан ортиқ эмас, балки 38 йилни ташкил қилар экан. Пенсия миқдори 1984—1988 йиллардаги иш ҳақларидан мавжуд стаж бўйича ҳисоблаб чиқилган ва ҳозирги кунда 17.882 сўмни ташкил қилади. Умуман шу масалада мурожаат қиладиган бошқа ўртоқларга ҳам эслатиб ўтмоқчиманки, пенсия миқдори меҳнат давомийлиги (стажи) ва иш ҳақига узвий боғлиқ бўлиб шу икки жиҳат қанчалик юқори бўлса пенсия миқдори ҳам шунча кўп бўлади.

— Худди шундай масала билан Ургут туманидаги Ғўс қишлоқ кенгашида яшовчи Ғ. Абдуллаев ҳам мурожаат қилган...

— Бу ўртоқнинг хати билан ходимларимиз танишиб чиқишди. Аниқланишича, Ғ. Абдуллаевнинг ҳужжатларига асосан умумий меҳнат стажи 24 йил 1 ой ва 3 кундан иборат экан. Бу кишига пенсия ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат қилган кундан, яъни 1993 йил 30 августдан тайинланган. Меҳнат стажи тўлиқ бўлмаганлиги сабабли пенсия унга мутаносиб равишда 1.083 сўм қилиб белгиланган. Хат муаллифи 1991 йилда пенсияга чиқиш учун мурожаат қилганлигини ёзади, Бу ҳақда ижтимоий таъминот бўлимида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, Ғ. Абдуллаев озодликдан маҳрум этилиб, жиноий жавобгарликка тортилган давр меҳнат стажига қўшиладими, деб сўраган. Маълум қиламизки, жиноий жавобгарликка тортилиб озодликдан маҳрум этилган давр мобайнида пенсия тўланмайди. Хуллас, баён этилганларни инобатга олиб, ҳозирги вақтда Ғ. Абдуллаевнинг пенсия миқдорини кўпайтириш учун асос йўқ.

— Бугунги суҳбатимизда ижтимоий таъминот тизимининг кўпгина қирралари ҳақида гаплашиб олдик. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз раҳбарлик қилаётган вазирлик ходимларига эзгу ва савобли ишларида куч-ғайрат, омад тилаймиз.

Суҳбатдош:
Шуҳрат ЖАББОРОВ.

• ХДП: СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

ОБРЎ УЧУН КУРАШИШ КЕРАК

Наманган шаҳрида яқин-яқингача Халқ демократик партияси аъзолари озчиликни ташкил қилар эди. Илғари шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти етакчиси бўлган Акбарали Умаров шаҳар кенгашига биринчи котиб этиб сайлангач, «муз» жойидан кўчди. Ташкилий-сиёсий ишлар янгича кўлам ва йўналиш олди. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ХДП сафига 1070 кишининг қабул қилингани, жами аъзолар сони уч мингга яқинлашгани партия ташкилоти иши қандай йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Қуйида ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Акбарали УМАРОВ ўз иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилади.

— Илгари шаҳар партия қўмитасида йўриқчи бўлиб ишлаганим қўл келди. Шаҳар ташкилотларида ишловчиларни яхши биламан. Бироқ гап Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низоми ва Дастурини одамлар онгига етказишда, уларни орқамиздан эргаштира билишда. Шу жиҳатдан олганда партия кенгашига бирлашган фаоллар алоҳида ўрнак кўрсатиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Кези келганда қизғин мунозаралардан ҳам ўзимизни тия олмадик.

Партия сафига кирганларнинг бир қисми нолойиқ эканлигини ҳам тушуниб қолдик. Бошланғич ташкилотларда жиддий ишлашга, баъзи бировлар билан орани очиқ қилишга тўғри келди. Иккиланаётган ёки партияга шубҳа билан қараётганлардан воз кечдик.

Албатта, бу иш партия фаоллари билан кенгашган ҳолда амалга оширилди. Шаҳар партия кенгаши аъзолари, эл ҳурмат қилган ноибларнинг, қорхона раҳбарларидан ўттиз нафарини кенгашга таклиф қилдик. Пленум ва ижроия бюро мажлисларида энг долзарб ва ижтимоий масалалар муҳокама қилина бошланди.

Фаоллар яхши маслаҳатлар беришди. Байрам кунлари кўп болали оналар, ногиронлар, талаба-ёшларнинг қабул кунларини ўтказа бошладик. Йирик корхоналар бу тадбирлар учун маблағ ажратишга розилик бердилар.

ХДП шаҳар кенгашига уй-жой, шунингдек хусусийлаштириш бўйича ҳам муаммоларни ҳал қилишда ёрдам сўраб келадилар. Ҳали бирор кишининг аризаси жавобсиз қолдирилмаган. Шаҳар ҳокимлигига берган тавсияларимиз инобатга олинади. Яқинда шаҳар ҳокимлиги томонидан хусусийлаштириш комиссиясининг раиси этиб тайинландим.

Машинасозлик заводида ўтказилган учрашувдаги суҳбат мавзуи ҳам ХДП Дастури тўғрисида бўлди. Бу ерда одамлар бизни саволларга кўмиб ташладилар. Суҳбат узоқ давом этди. Ўша учрашувдан сўнг корхонада бир йўла йигирмага яқин киши партия сафига киришга ариза берди. Бу ерда бошланғич партия ташкилоти тузилди. Талабалар ётоқхоналаридаги учрашув ҳам айни муддао бўлди. Тиббиёт билим юрти қошида ташкил этилган партия ташкилотига 117 киши бирлашди. Улар Наманган давлат университети, тиббиёт билим юрти, бошқа илм даргоҳлари ўқитувчилари ва талабаларидир.

Ҳудудий партия ташкилотининг котиби Соҳиба Каримованинг ўз ишига жиддий масъулият билан қараганлиги туфайли бу ерда партия сафига кираётганлар тобора кўпайиб, сиёсий-ташкилий ишлар кўлами кенгаяётир. Туркияга жўнаб кетган ёш талабалар сафида ҳам партия аъзолари борлиги қувончли ҳол бўлиб, улар мазкур партия ташкилотида аъзоликка қабул қилинган.

Боқижон Турдибоев етакчилик қилаётган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти, айниқса, кўнгилдагидай ишларни амалга ошираётир. Бу ерда ўтказиладиган ҳар бир тадбирга тантанали тус берилади.

Бирлашма директори Абдурашид Убайдуллаев Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси сифатида хайрли тадбирларда фаол иштирок этади. Ҳозир мазкур партия ташкилотига тўрт юздан зиёд киши бирлашган.

Партиямиз икки ёшга тўлди. Бу ниҳоятда қисқа давр. Бироқ одамлар синовдан ўтказилди. Ҳозир партия ташкилотларимиз ҳаммаси ишда фаол иштирок этишяпти. Негаки, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириш масъулияти ҳаммамизнинг зиммамизда. Бусиз халқ фаровонлигини ошириб бўлмайди.

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЯХШИНИ ЭЛ АРДОҚЛАЙДИ

Қашқадарё шаҳар ва қишлоқлари кўчаларидаги ГАЗ-31 «Волга» машинасида ялпайиб ўтириб олган айрим олифталарни кўрганимда кўз олдимда Сафар Эштўхтаров гавдаланади. Ахир, у миллиардер жамоага бош. Нега у сўнгги нусхадаги «Волга» енгил автомашинасини сотиб олмайди. Лекин у ўз манфаатини эмас, балки жамоа манфаатини ўйлайдиган инсонлардан.

Бугунги кунда Шаҳрисабз консерва заводи вилоятдагина эмас, балки мамлакатда энг илғор корхоналардан бири. Тадбиркор бўлса, ишчан бўлса Сафар Эштўхтаровдек раҳбар бўладида!

Корхона тобора кенгаймоқда, ривожланишда. Заводга ҳар гал борганимизда қандайдир бир янгиликнинг устидан чиқамиз. Бу йил помидорни қайта ишлайдиган янги тармоқ ишга туширилди. Сменада 700 тонна помидор қайта ишланди. Илгаригидек турнақатор навбатга туришлар ҳам бўлмади. Ўтган йилгидан кўра 2,5 минг тонна кўп помидор қабул қилиб олинди. Шунингдек, яшик муаммоси ҳам бартараф этилди. Полиэтилендан арзон нархда идиш тайёрланди.

Заводда турли-туман мевачева, сабзавот маҳсулотларидан 130 хил консерва тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида режадаги 122 миллион дона ўрнига 125 миллион дона шартли банка консерва ишлаб чиқарилди.

Аммо маҳсулот жуда харидоргир, сифатли, дўкон пештахталарида туриб қолмайди. Қарийб 70 фоиз маҳсулот четга кетяпти. Кейинги ойларда 1,5 минг тонна томат-пастаси Олмонияга ва собиқ Югославияга жўнатилди. Ҳамдўстликдаги Беларус, Украина, Россия каби мамлакатлар билан ҳам иқтисодий алоқа ўрнатилган. Консерва маҳсулоти бериб, қурилиш материаллари, жумладан, шифер, ёғоч, банка қопқоғи, шиша идишлар, механизм ва ускуналар учун эҳтиёт қисмлар олиняпти.

Жамоада одамларни ижтимоий ҳимоялаш, қўшимча тармоқларни ишга тушириш билан Шаҳрисабз шаҳрида бекорчи одамларни ишга жалб этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шу аснода келгуси йили яна бешта янги тармоқ ишга туширилади. Биргина шу йилнинг ўзида қўшимча 150 киши янгидан ишга қабул қилинди. Ҳозирги кунда заводда 1350 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ойлик маошлари ҳам ёмон эмас.

Ишлаб чиқариш эвазига келаётган фойда — миллион-миллион даромад хайрли ишларга сарфланяпти. Шодиёна кунлар ўтказиляпти, етим-есирларга, бева-бечораларга ёрдам қилиняпти. Ҳамхаржли одамлар газета ва журналларга бепул обуна қилиняпти. Директор ишчилар, меҳнат фахрийларини корхона ҳисобидан бепул республика, вилоят ва туман газеталарига обуна қилиш учун 6 миллион сўмга имзо чекди.

ХДП аъзоси Сафар Эштўхтаров ана шундай ҳиммати баланд инсонлардан. Ҳар кимнинг ҳам бахтини берсин экан. Бу одамнинг ўзига, масъулиятни чуқур англашига, ғайрат ва шижоатига боғлиқ. Албатта, бундай камсуқум, камтар, тоғни урса талқон қиладиган, аммо хушомадгўйликни ёқтирмайдиган имони бут, ориятли раҳбарлар Қашқадарёда анчагина. Улар сафига биргина саноат корхоналарининг ўзидан Сафар Эштўхтаровдек Шаҳрисабз арақ-вино заводи директори Кураш Соимов, пиллакашлик фабрикаси директори Толибжон Орзиқулов, Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи директори Темир Зокиров, Қарши тикувчилик бирлашмаси директори Александр Лихин, Муборак газ қайта ишлаш заводи директори Нуриддин Зайниев каби ХДП аъзолари, ишчан ва юртпарвар инсонларни қўшиш мумкин.

Ҳа, улар эртаю-кеч баъзилардек мансаб ташвиши билан эмас, халқ ишончини оқлаш, эл-юрт ташвишида елиб-югуришмоқда. Шундайлар ҳамиша бор бўлсин, деймиз.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИНИНГ ХАБАРИ

Матбуотда хабар қилинганидек, М. Маликов Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимидан озод этилиб, республикага чақириб олинган эди. Унинг қобилият ва имконияти Ўзбекистон — Америка муносабатлари ривожи тақозоси даражасидаги вазифа ва талабларга жавоб бера олмагани учун шундай қилинган эди. Шу йил 8 ноябрь куни М. Маликовга республика давлат назорати комитетида масъул вазифа таклиф этилди.

Аммо, АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси маълумотига кўра, у орадан бир оз вақт ўтгач, Вашингтонда пайдо бўлиб қолган. М. Маликов хорижга чиқиш учун ҳужжат расмийлаштиришнинг барча мамлакатларда жорий этилган тартибини бузиб, эски хизмат ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда яширин тарзда АҚШга жўнаб кетган.

Ҳозирги пайтда тегишли ташкилотлар ўрганаётган далил ва ҳужжатлар билан даслабки танишув шуни кўрсатадики, М. Маликов элчихонанинг дипломатик ва молиявий-хўжалик фаолиятида жиддий қонунбузарликларга йўл қўйган, давлат валюта маблағларини ўзлаштириш мақсадида лавозимини суиистеъмол қилган, қонуний молиявий имкониятларни тақозо этмагани ҳолда бойваччаларча яшаган. Унга қимматбаҳо шахсий совғалар берилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси маълумотига кўра, М. Маликов шу йил 15 ноябрь куни Америка Қўшма Штатларининг муҳожирлар масаласи билан шуғулланувчи идораларига бошпана сўраб мурожаат қилган.

Мамлакатимиз пахтакорлари об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Яқин кунлар ичида марра эгалланиши турган гап.

Кейинги вақтларда Жиззах вилояти деҳқонлари ҳам суръатни ошириб, хирмонга баракали ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилаётирлар. Бу вилоятда ҳам йиллик маррани эгаллаган хўжаликлар сони кўпайиб боряпти. Яқинда Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли ширкат хўжалиги аъзолари йиллик маррани эгаллашди. Қабул пунктларига режадагидан анча ортиқ пахта етказиб берилди.

Суратда: ширкатлар уюшмаси раиси Худойқул Холбеков ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани бажарган «Янги ҳаёт» ширкати звено бошлиғи Собир Ирисовни қутламоқда.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.



• *Ёшлар ҳаётидан*

Ҳаётимиз келажаги ёшлар тўғрисида қайғуриш, уларнинг камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, хусусан, соғлом ўсишлари, касб ўрганишлари учун ҳамма чораларни кўриш муҳим вазифалардандир. Шу боис Республикамиз Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримов турли учрашув, анжуманларда ёшларни мустақил мамлакатимизни ҳимоя қила оладиган, салоҳиятли, виждонли кишилар этиб тарбиялашни алоҳида таъкидлайди.

Хўш, бу борада республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва унинг жойлардаги шохобчалари ҳозирги кунда қандай ишларни олиб бораётир, деган савол туғилади!

АНИҚ ҲАРАКАТ ЕТИШМАЯПТИ

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олиб, ўқувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш учун ҳамма чораларни кўряпти. Республика Ёшлар Иттифоқининг Низомига биноан эса ўқувчилар Ёшлар Иттифоқи аъзолиги бадалини тўлашдан озод этилган. Шунча шароит ва ғамхўрлик яратилишига қарамай кейинги пайтда Ёшлар Иттифоқи аъзоларининг камайишига сабаб ёшлар орасида ташвиқот-тарғибот ишларининг суст олиб борилаётганлигидир.

Бир мисол. 1991 йилнинг охирида ЎзЛКСМ аъзолигидан республика Ёшлар Иттифоқига қайта рўйхатдан ўтган вақтда биргина Чилонзор туманида уларнинг сафи 21.979 нафар эди. Бу муҳим рақам орадан бир йил ўтгач, 6709 нафарга тушиб қолди. Ёшлар Иттифоқининг қолган аъзолари қаёққа ғойиб бўлди? Бу саволга ҳеч ким қониқарли жавоб бера олмайди.

Аъзоликдан кетганларнинг аксарияти тижорат ишларига ўзларини урган. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, ишлаб чиқаришда, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларида ким ишлайди?

Ана шу муаммоларни инобатга олган Чилонзор тумани партия кенгаши Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси фаолиятига мададга келди. Лекин ёшлар қўмитаси раҳбарияти «Республика Ёшлар Иттифоқи Низомида бирор сиёсий партиянинг ишимизга аралашишига ҳаққи йўқлиги кўрсатилган», дейишди. Шунга қарамай, партия кенгаши ўз мададини аямади. Натижада қисқа муддатда тумандаги Ёшлар Иттифоқи аъзолари сафи 6758 нафарга етди. Бошланғич ташкилотлар сони ҳам ошиб, бугунги кунда 41 тани ташкил этмоқда.

Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси фаолиятини кучайтириш мақсадида туман ҳокимлиги бир миллион сўм пул ажратди. Туман ҳокимияти ва партия кенгаши кўмагида ёшлар қўмитасида ташкилий-тарбиявий ишлар юриша бошлади. Соғлиқни сақлаш, саноат, савдо соҳасида, ўрта махсус ўқув юртларида аъзолик бадалини тўлайдиган аъзолардан иборат бошланғич ташкилот тузилди. Ҳозир Тошкент Давлат иқтисодиёт университети бошланғич ташкилотига 2300 нафар, Тошкент нон саноати корхоналари бирлашмаси бошланғич ташкилотига 120 нафар аъзо бирлашган. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг қайта оёққа туриб, обрў-эътибори ортишида албатта, олий ўқув юртлари, саноат корхоналари раҳбарларининг ҳам ҳиссаси катта.

Бундан кўриниб турибдики, республика Ёшлар Иттифоқи ва унинг жойлардаги қўмиталари Халқ демократик партияси ҳамда маҳаллий органлар кўмагига муҳтожлик сезади. Шунинг учун Ёшлар Иттифоқи ўз Низомини қайта кўриб чиқиши, маҳаллий органларга, етакчи партияга таяниши зарур, деб ўйлаймиз. Бирбирига таянгандагина, бирбирини қўллаб-қувватлагандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ҳамкорликда ҳикмат кўп, деб бежиз айтилмаган.

Маълумки, Ёшлар Иттифоқининг туман қўмиталари молиявий жиҳатдан қийин аҳволда яшаётгани сир эмас. Аъзолик бадаллари эса жуда кам. Шундай бўлгач, Ёшлар Иттифоқи қўмиталари маҳаллий органларнинг иқтисодий кўмагига муҳтож. Ана шу масалалар, шубҳасиз, Ёшлар Иттифоқи Низомида ўз аксини топиши зарур. Ўлар сафини ўстириш борасида қатор жамоатчи педагогика билим юрти ва Тошкент электр жиҳозлари ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш бирлашмасига борганларида ана шундай ҳолатга дуч келдилар. Оримизда ёшларнинг сиёсий маданияти ва билимини ошириш ўрнига улар ўртасида иш олиб боришга ҳалақит бераётган айрим раҳбарлар ҳам учраб туради. Йирик ташкилотларнинг баъзи раҳбарлари Ёшлар Иттифоқининг туман қўмитаси ходимлари билан негадир келиша олмайдилар. Очиғини айтиш керак, туман қўмитасининг айрим ходимлари аксарият йирик корхоналарда камдан-кам жойларда умумий тил топиша олмай қайтишади. Бунларнинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча талабаларнинг устозлари ўз тинчини кўзлаб, ёшлар билан ижтимоий-сиёсий соҳаларда мулоқот ўтказишдан ўзларини тортмоқдалар. Гўё талабаларнинг талаби кўп эмиш. Ўз шогирдлари билан мулоқот ўтказишга истак билдирмаётган раҳбар талабаларга ҳозирги йўл-йўриқларни қай аснода ва қачон тушунтиради? Ёшлар Иттифоқининг туман қўмитаси ходимлари республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 3-мавзедаги тиббиёт билим юрти, Крупская номидаги 2-пойабзал фабрикаси, «Шарқ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Совғалар» магазини, «Совпластитал» қўшма корхонаси каби корхоналарни киритиш мумкин. Чунки мазкур йирик корхона ва савдо тармоқларида асосан ёшлар меҳнат қилишига қарамай Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилотлари тарқалиб кетган. Оқибатда, ёшлар ишдан бўш пайтларида нима билан шуғулланишларини билмайдилар. Бошланғич ташкилот бу жойларда қайта тузилса, ёшлар орасида турли тадбирлар, фойдали учрашув ва кечалар уюштириш мумкин бўлур эди.

Маҳаллаларда ҳам аҳвол яхши эмас. ХДП ҳудудий ташкилотлари Ёшлар Иттифоқи Низомига кўра, уларнинг ички ишларига аралашмай турибдилар. Натижада маҳаллада ишсиз юрган ёшлар турли нохушликларни келтириб чиқармоқда. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси ижроия бюроси йиғилишида кўрилган масалалар тор доирада. Чунки, ижроия бюро аъзолигига сайланган беш кишининг ҳаммаси қўмитада ишлайдиган одамлар. Бюро аъзолигига туман партия кенгашидан, ҳокимиятдан, фахрийлар кенгашидан, йирик саноат, маданият, маориф ва бошқа нуфузли ташкилотлардан ўртоқлар киритилса, уларнинг ҳамкорлигига суянилса, ўшанда Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг иши юришгандай бўларди. Ёшлардан умид катта. Унинг ушалишига Ёшлар Иттифоқининг бугунги аниқ ҳаракатигина мустаҳкам пойдевор бўла олади. Шу боис ҳаммамиз ёшлардан кўмагимизни аямаслигимиз, уларни фақат адолат ва ҳақиқат йўлига бошлашимиз лозим.

Худойназар ҒОИБОВ
Чилонзор тумани партия кенгаши ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

ТАКЛИФИМИЗ ШУНДАЙ...

Шермат Юсупов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ўрганиб чиқиб, шуларни таклиф қиладилар.

Қонуннинг 22-моддаси 2-бандидаги «Сиёсий партияларнинг олий раҳбар органлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқарғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар», деган жумлага **халқ депутатлари туман, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар, деб туман кенгашларини киритиб кетиш мақсадга мувофиқдир.**

Қонуннинг 49-моддасида «Агар муайян партия кўрсатган жами депутатликка номзодлар сайловларда тўпланган умумий овоз Ўзбекистон Республикасининг овоз беришда иштирок этган барча сайловчилар овозининг саккиз фоизидан кам бўлса — Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олинмайдилар», дейилади. Ушбу моддани тўлиқ маъқуллаймиз.

А. ҲОЖИМАТОВ,
Избоскан тумани партия кенгаши ижроия бюро аъзоси, хўжалик ХДП бошланғич ташкилоти котиби.

• *Пахта—93*

ЯЛПИ ҲОСИЛ САЛМОҒИ

Навоий туманн пахтакорлари йиллик режани бажардилар. Эл хирмонига режадаги 24 минг тонна ўрнига 24 минг 200 тонна ҳом ашё етказиб берилди.

Ҳар гектар майдондан кўтарилган ҳосил эса 27 центнердан ошди. Ялпи ҳосилнинг 15 минг тоннасидан ортиғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Эришилган муваффақиятга Навоий номли, Ибн Сино номли, Қодир Раимов номли, «Хазора», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшишди. Мазкур хўжаликларда ҳосилдорлик ўртача 30—31 центнерга етди.

Навоийликлар эл хирмонига яна 3 минг тонна пахта армуғон этиб, ялпи ҳосил салмоғини 27 минг тоннага етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИККИНЧИ ДОВОН

Ҳозиргина дала айланиб келган Сиёсатхон опанинг юзига майин табассум югурди.

— Пахтамизнинг шунисига борман-да, — деди у, — Кечагина ораланган пайкалларга кирсангиз, бугун яна оппоқ. Ҳосилнинг мўллигидан бу.

Опа хирмон томон хотиржам юраркан, бир сиқим пахтани қўлига олиб салмоқлаб кўрди.

— Ҳали тош босади. — Биз томонга юзланди у. — Демак, иккинчи довонни ҳам эгаллаймиз.

Олтинкўл туманидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Сиёсатхон Абдуллаева етакчилигидаги заршуносларнинг туманда биринчилардан бўлиб режаларини уддалаганларига анча бўлди.

Улар 56 гектар ердан ҳосилга 38 центнердан хирмон кўтардилар. Лекин ҳали далаларда ҳосил кўп.

Бригадирдан терим қлғорлари ҳақида сўраймиз.


— Уларнинг ғайрат-шижоатига таҳсинлар ўқигингиз келади. Бригадада меҳнат белашувининг яхши ташкил этилганлиги иш унумига таъсир қилмоқда. Васимахон Расулова 10 кунда 87 минг сўм ҳақ ишлаб топди. Тўхтахон Нурматова, Кўпайсин Қўшоқова сингари чеварлар ҳам пешқадамдан қолишгани йўқ. Илғорларга тақчил моллар совға сифатида берилмоқда.

Миришкорнинг уйидан кўнгли тўқ бўлса, меҳнатининг самараси ҳам ошади. Шу боис хўжалик далаларида кундалик эҳтиёж моллари савдоси ташкил этилган. Теримчиларга шу ернинг ўзида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархларда бериб борилади.

Меҳнаткашларга дала шийпонида ҳам яхши шароит яратилган. Иссиқ хоналар, радио-телевизор ҳамиша уларнинг хизматида.

Пахтакорлар бир мисқол пахтани ҳам далада қолдиришмоқчи эмас. Чунки у халқимизнинг ризқу насибаси эканлигини заршунослар яхши билишади.

Шуҳрат МУСАЕВ,
Андижон вилояти.



Об-ҳаво инжиқликларига қарамай республикамиз пахтакорлари сўнгги довон томон тобора яқинлашмоқдалар. — Кўпи кетибози қолди, — дейди Оқолтин туманидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли ширкатчилар хўжалиги механизатори Бахтиёр Эргашев. — Ҳаво юриб турса бас — ҳосилнинг кўсагини ҳам ерда қолдирмаймиз.

Бахтиёрнинг сўзига ишонса бўлади: шу кунларда у машинаси бункеридан хирмонга барака киритмоқда.

СУРАТДА: Б. Эргашев.

Абдусаттор ТЎРАЕВ олган сурат.

ЙЎЛОВЧИ НЕГА САРСОН?

ЁХУД АЙРИМ ҲАЙДОВЧИЛАР ЎЗ ЧЎНТАГИ БИЛАН ДАВЛАТНИКИНИ АДАШТИРИБ ҚЎЙМОҚДАЛАР

Ривоят қилишларича бир мамлакат подшоҳи жуда маишатхўр экан. У юртининг тинчлиги, элининг фаровонлигини ўйлаш ўрнига доимо ўзини ўйларкан. «Ётиб еганга тоғ чидамас», деганларидек даромадга қараганда буромадининг кўплиги туфайли борабора шоҳнинг отаси давридаги бой хазина ҳам тугаб қолибди.

Буни кўрган аёнлар хазинага қандай қўшимча ақча туширсак экан, деб бош қотиришибди. Ўйлаб ўйларига етишолмабди. Чунки аҳолига солинган солиқлар шунчалик кўп экан-ки, янгиси қандай бўлиши лозимлиги ҳаммани гаранг қилибди. Охири, мулозимлардан бири шоҳ ҳузурига энтикиб кирибди-да:

— Топдим, улуғ ҳукмдор, топдим. Худо хоҳласа хазинангиз тез орада тўлиб кетади, — дебди.

— Хўш, нимани топдинг, айт-чи?

— Тоғора солиғини жорий қиламиз. Яъни, шаҳар дарвозалари олдига биттадан тоғора қўйилади. Шаҳарга кирувчи ҳам, чиқувчи ҳам тоғорага ўтказилади. Кети сиққан ҳам, сиғмаган ҳам бир танга тўлайди. Қарабсизки, ақчалар новдан тушгандек хазинангизга оқиб келаверади.

— Бир танга керак экан, тоғорага ўтказиб овора қилмасдан шундоқ ҳам олаверсаларинг бўлмайдими? сўрашарди одамлар гоҳо таажжубланиб, гоҳо ғазабланиб.

Назоратчилар эса: биз ҳаммаси ҳалол бўлишини истаймиз, деб жавоб беришармиш...

Мен яқинда Хадра майдонидан 43-йўналиш бўйича қатнайдиган автобусга чиқдим. Манзилимга етгач, 10 сўм тўлаб тушиб қолдим.

Кўчанинг нариги бетига ўтиб «Нукус» кинотеатрига борадиган автобусга чиқдим. Автобуснинг ҳар жой-ҳар жойига йўл ҳақи 75 сўм эканлиги карточка ва имтиёзлар ҳисобга ўтмаслиги ҳақида огоҳлантирувчи ёзувлар бор.

Ҳайрон бўлдим. Илгари чиқиб, ўн сўм тўлаб тушган автобуснинг ҳам, ҳозиргисининг ҳам русуми бир хил. Фақат бунисида 14-маршрутли такси, деб ёзилган, холос. Аммо маршрутли таксида одам ниҳоятда тирбанд. Тиқилинчда жоним ҳалқумимга келиб, керакли жойга зўрға етиб олди-му 75 сўм тўлаб азобдан қутилдим.

Пастга тушгач ўйланиб қолдим. Нега бир хил русумли автобусда икки хил нарх! Наҳотки гап шахмат нусха катакларга туширилганида бўлса? Лекин моҳияти ўзгармаган. Йўловчи учун ҳеч қандай шароит йўқ-қу! Нима учун у 75 сўм тўлаши керак? Ана шунда бенихтиёр юқоридаги ривоят ёдимга тушди. Демак, йўловчидан кўпроқ пул олиш учун автобус номи ўзгартирилса бўлди эканда?

Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар автотранспорт корхонасига қарашли 3-автохўжаликда бўлдим. Корхона раҳбари Охунжон Исмоиловнинг таъкидлашича, бу ерда аҳолига 331 та машина хизмат кўрсатади. 8 та йўналиш бўйича шаҳар атрофига, 20 та шаҳар ичидаги йўналиш бўйича қатнайдиган автобуслар ҳаракати автохўжалик томонидан амалга оширилади. Шунингдек, 5 йўналиш бўйича маршрут таксилари юради. Йўловчиларни ташиш топшириқлари доимо ортиғи билан бажариляпти.

— Кечирасиз, шаҳар ичида айрим автобуслар бир хил русумли бўлса-да, йўлкира ҳақида анчагина тафовут бор. Лекин ҳаммасида шароит бир хил.

— Биласизми, — дейди у—бизга бир эшикли «ПАЗ 3205» ва «ПАЗ 672» автобусларидан маршрутли такси сифатида фойдаланишга рухсат берилган. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланяпмиз.

— Аслида 75 сўм тўлаган йўловчи қандайдир имтиёзга эга бўлиши керак. Ана шу ҳақда бирор ҳужжат борми?

— Унақа ҳужжат олмаганмиз. Аммо менимча ҳам қандайдир тартиб-қоида бўлиши керак. Бироқ биз маршрутли таксиларда одамларни фақат ўтирган ҳолда таший олмаймиз. Шаҳарда аҳоли кўп. Транспорт эса етишмайди.

Начора, бошлиқ ҳақ гапни айтди. Керакли автобус келавермагач, аҳоли ўқишга, уйига, ишга вақтида етиб олиш учун пулнинг бетига қарамайди. Шунинг учун оддий автобус ҳам, маршрутли такси сифатида қатнайдиган автобус ҳам аксарият ҳолларда тирбанд ҳолда юради.

Мен масалага ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар йўловчи ташиш автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдим. Бошлиқнинг биринчи муовини Салоҳиддин Асомиддиновдан нега бир хил автобуснинг бирида йўловчи 10 сўм, бирида 75 сўм тўлашини белгиловчи бирорта ҳужжат борйўқлигини сўрадим.

— Менимча бўлиши керак, — деди у ва ходимларини чақириб суриштирди. Аммо улар ҳам шундай ҳужжат борлигини эътироф этсада, кўрсатиша олмади. Шундан сўнг у Тошкент шаҳар йўловчи трансассоциясига мурожаат қилишни тавсия қилди. Шу идора йўловчиларни ташиш Бош бошқармаси бошлиғи муовини Эркин Ризаев эса:

— Биласизми, мен бу ерда янгиман. Яхшиси бошлиғимизга кира қолинг, — деб жавоб берди. Бошлиқ Равил Сулаймонов анча ходимларни қидиртириб, ўша ҳужжатни топди. Буни қарангки, уни мен дастлаб мурожаат қилган идора — Тошкент шаҳар 50—60 киши кетаётганини кўрасиз. Хўш, унда белгиланганидан ортиқча одамлардан тушган пул қаёққа кетади? Балки давлат кассасига топширилар? Аммо бунга ишониш қийин.

Энди бошқа бир муаммо тўғрисида тўхталайлик. Кўпчилигингиз автобусларни кутиб, керакли ерга етолмай кўп сарсон бўлганингизга ишончимиз комил. Аммо нега шундай бўлаётганининг асл моҳиятига эътибор бермаганмиз.

Ҳайдовчилар билан гаплашсангиз уларнинг кўпчилиги эҳтиёт қисм йўқлигидан нолишади. Бунга юз фоиз қўшилиш мумкин. Яъни, 3-автохўжаликдан олинган маълумотларда айтилишича, корхонага кейинги 5—6 ой ичида умуман ҳеч қандай эҳтиёт қисм берилмаган. Шунинг учун ҳам бузилган транспортларни тузатиш қийин бўлмоқда.

Бироқ шунга қарамай, элюртини ўйлайдиган, одамларга хизмат қилиб, савоб олишни кўзлайдиган ҳайдовчилар анчагина. Улар елиб-югуриб, бир амаллаб машиналарни юргизмоқдалар. Эл корига ярамоқдалар. Лекин айрим йўловчилар буни тушунмай, бўлар бўлмасга ҳайдовчилардан норози бўлишяпти.

Очиғини айтганда, ҳар соҳада бўлгани каби транспорт хизматида ҳам ҳалол одамлар ҳам, ўзини ўйлайдиган нобакорлар ҳам учрайди. Бунга баъзан ўзимиз очиқчасига ёки билиб-билмай йўл қўйганмиз. Мисолларга мурожаат этайлик.

Масалан, илгари ҳам ҳозиргидек маршрутга чиқувчи автобус шофёрларига 100 литрдан ёнилғи бериларди. Ёнилғи давлат ҳисоб-китоби бўйича 15 тийин эди. Ҳайдовчи учун бир кунда 35—40 сўм пул топшириш режаси белгиланганди. Энди ўйлаб кўринг, ахир, ҳайдовчи ўша 100 литр бензинни 15 тийиндан сотса 15 сўм бўлади. Пул топшириш режаси эса 2—2,5 баробар кўп. Демак, ҳайдовчи учун маршрутга чиқиб пул топиш фойдали...

Эндичи? Автохўжаликлар давлатдан бир тонна бензинни ўрта ҳисобда 600 минг сўмдан сотиб олишяпти. Бу бир литри 500 сўмдан тушаяпти, деган сўз. 100 литр бензин шунда 50 минг сўмга тўғри келади. Ҳайдовчи ёнилғининг ярмини ҳозирги бозор нархининг энг паст даражасида — яъни 400 сўмдан сотганда ҳам 20 минг сўмга эга бўлади. Қолганига эса бемалол «чапга» юриб, каттагина пул ишлаши мумкин. Қарабсизки, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Яъни, ишлаганининг бир қисмини топширади, холос.

Хўш, айтингчи, ҳайдовчи меҳнат қилиб, бунинг устига асабини бузиб, йўлга чиқиб, сиз ва бизларга хизмат кўрсатгани яхшими ёки тинчгина ўзгача йўл билан ишлаганининг бир қисмини топширганими? Боз устига чўнтагига қолганидан ташқари ойлик ва мукофот пулларини тўлиқ олаверади. Биз ва сизлар эса, кўчаларда соатлаб транспорт пойлаб турамерамиз.

Тўғри, аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар бундай қинғирликларнинг пайини қирқишга ҳаракат қилмоқда. Лекин текшириш ишларини ҳам, қоида бузувчиларга берилаётган жазо чораларини ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Масалан, 3-автохўжаликда тўққиз ой мобайнида у ёки бу даражада қоида бузишларга йўл қўйган 48 ҳайдовчига ҳайфсан берилган. 30 ҳайдовчи уч-тўрт ой муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган. 14 ҳайдовчи эса ойлик мукофотдан маҳрум этилган. Аслида қоидабузарлар кўп. Шунинг учун ҳам транспорт қатновида жуда кўп узилишлар бўлаяпти.

Ҳурматли муштарийлар! Ушбу мулоҳазалар бизнингча кўпчиликнинг фикрини ифодалайди. Лекин унга қўшилмовчилар ҳам, янги маълумотлар асосида фикримизни тўлдирувчилар ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳаммамизнинг умидимиз битта. У ҳам бўлса манзилимизга етказадиган транспорт бетўхтов ишласа...

Шунинг учун ҳурматли муштарийлар, биз аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни қаттиқ назорат остига олишни лозим топдик. Агар ушбу соҳада камчиликлар ёки ибратли ишларнинг гувоҳи бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

янгиликлар воқеалар хабарлар



„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ҚОЗОҒИСТОН МИЛЛИЙ ПУЛИ

АЛМАТИ. Нурсултон Назарбоев Қозоғистонда миллий пул муомалага киритилаётганлиги ҳақида расмий равишда эълон қилди.

Танганинг қиймати 500 эски рублга тенг. Нақд пуллар ҳар бир кишига фақат 100 минг сўм бўйича алмашинмоқда. Аҳолининг омонат банкларидаги жамғармалари белгиланган курс бўйича тўлиқ алмашинмоқда. Қозоғистон пулларида қозоқ халқининг Абай, Чўқон Валихонов ва бошқа кўзга кўринган арбобларининг сиймолари тасвирланган. Душанба кундан бошлаб алмашув йўлга қўйилди.

ЭНГ ЯНГИ ҲАЙКАЛ

АШГАБАТ. Газеталар Ашгабат отчопарида «Мустақилликнинг улуғ устози Сапармурод Туркманбоши» ҳайкали тантанали очилганлиги тўғрисида хабар босиб чиқарди.

«Сапармурод Туркманбошининг, — деб ёзади Туркман пресс агентлиги, — туркман халқининг унутилган анъаналарини тиклашда хизмати каттадир». У ахалтекин чопқир отлари тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларнинг кўпайиши, зотдор отларнинг тоза сақланиши учун «Туркман отлари» миллий бирлашмаси тузилган. Президентнинг фармонига биноан ҳар йили Чавандоз куни нишонланмоқда. Ҳайкал муаллифи Б. Аннамирадов халқнинг эркпарварлик рамзи пишқириб турган тулпор билан бирга давлат раҳбарининг сиймосини тасвирлаган. Қуш каби парвоз этишга шайланаётган тулпор гўё ёрқин келажакни олқишлаб олға талпинмоқда. Унинг ёнида Сапармурод Туркманбоши. Тулпор барча машаққатларни енгиб орзули мақсадга етишига доҳий ишонмоқда.

РУБЛНИНГ ТАЪСИРИ КАМАЙМОҚДА

АЛМАТИ. АҚШ Давлат котиби Уоррен Кристофер ўзининг яқинда Қозоғистонга қилган сафари чоғида президент Назарбоевга тахминан 500 миллион долларга Америка самолётларини сотиб олишни таклиф этди.

Давлат департаментининг ходими гапларига қараганда 24 октябрда бўлиб ўтган музокаралар чоғида бундай савдо эҳтимоли ҳақида фикрлашилган. Бунда Қозоғистон раҳбари давлат котибидан сотиб олиш мумкин бўлган у ёки бу самолётлар ҳақида тавсияномалар беришни сўраган. Тавсияномалар «Боинг», «Макдоннели Дуглас» корпорациялари ёки «Европа консорциуми»га қарашли самолётлардир. Давлат котиби музокара чоғида, «иккала компания эътиборга лойиқдир, лекин уларнинг маҳсулотлари юқори сифатлилиги ўртасидаги фарқни ажратиш қийин». У америка самолётларини сотиб олишга даъват этди, — деб таъкидлади ўша расмий арбоб.

ПАРИШОНХОТИРЛИК

БИШКЕК. Оқсу тумани халқ судининг раиси Б. Сейдилдаев паришонхотирлиги билан қизиқ ҳангома юз берди.

У ўтган йилнинг 23 ноябрь куни фуқаро Д.га қарши 215-модда бўйича жиноий иш қўзғаб, уни қамоққа олган. Шундан кейин қамоққа олинган маҳбус ҳақида унутиб қўйди. Фақат шу йилнинг 11 февралида у ҳақида ёдига тушиб қолди. Шундан кейин жиноят таркиби йўқлиги учун уни озод этди. Эндиликда жиноий иш паришонхотир судяга қарши очилди.

КУППА-КУНДУЗИ

ДУШАНБЕ. Қуролланган безорилар нинг бир гуруҳи МДҲнинг Душанбе яқинида жойлашган мудофаа бўлинмаларидан бирига ҳамла қилди.

Тожикистоннинг «Ховар» агентлиги мухбирига қўшинлар қўмондонлигида бу ҳақда маълум қилишган. Қирққа яқин безори ниқобларда казармага бостириб кириб олтита автоматни олишган ва казармага ўт қўйиб юборишган. Ҳамла пайтида бир қатор аскарлар жароҳатланган. Жиноятчиларни қидирув ишлари олиб борилмоқда.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИДА ЭЛЧИХОНАЛАР

БИШКЕК. Қирғизистон болалар боғчалари элчихоналар ва тижорат идораларига бериб юборилмоқда.

Бишкек шаҳрининг қоқ марказидаги 53-болалар боғчасига Канада элчихонаси жойлашди. Бу масканнинг собиқ эгаси «Қирғизгипроводхоз» лойиҳа институти уни чет элликларга сотиб юборган. Ундан сал нарироқдаги 13-болалар боғчасига қардош Қозоғистон элчихонаси жойлашган. Марказга яқин кичкинтойлар оромгоҳларида қўшма ёки тижорат корхоналарининг идоралари жойлашмоқда. Бишкек шаҳар маориф департаментининг маълумотларига қараганда, кейинги пайтларда мактабгача ёшдаги муассасаларнинг 25 таси беркитиб қўйилган. Қирғизистон президентининг корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштиришда уларнинг идораларига қарашли мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг фаолиятини қайта ташкил этиш ёки ўзгартирилишига йўл қўйилмаслиги ҳақида алоҳида уқтириб ўтилган. Шундай бўлиши лозимлигига қарамай пойтахтда болаларни ўзларининг ором масканларига жойлаштириш мушкуллашиб бормоқда.

ХОТИРЖАМЛИК ОРОЛИ

АШГАБАТ. Туркманистон Президенти аппаратига Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятининг қотиблари Б. Шереметев, А. Парпара имзолаган таклиф-мактуби олинди.

«Собиқ СССРнинг ҳудуди ғам-ташвиш ва фуқаролар урушига айланиб кетди, — деб ёзади мактуб муаллифлари, — Ана шу бехаловат дунёда хотиржамлик, деб қўрқмасдан аташ мукмин бўлган орол бор. Туркманистон ана шундай бўлиб қолди. Муаллифлар Сапармурод Ниёзовнинг номзодини жаҳон Нобел мукофоти лауреати номини олиш учун кўрсатишни таклиф қилишмоқда. Бу ҳақда Александр Бушев хабар беради.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ислом КАРИМОВ:

«Ўзбекистон Республикаси миллий давлат тузилишида уч ҳокимиятнинг ягона бирлиги мавжуд бўлиб, буларга қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари киради. Буларсиз ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Суд ҳокимияти — мустақил ҳокимиятдир. Унинг олий вазифаси — қонунларга оғишмай риоя қилишни таъминлаш ва бу қонунларни фуқаролар томонидан бажарилишидир».

Инсон ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш, одил судловни оғишмай амалга ошириш суд мустақиллиги ва дахлсизлигини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда мустақил республикада инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг яна бир гарови бўлмиш «Судлар тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Бу қонун мустақил давлатимизда адолатни, интизомни, ҳалоллик ва тотувликни, миллати, сиёсий қарашлари ва динга муносабатидан қатъий назар фуқаролар тенглигини, қонун ҳамма нарсадан устунлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир. Шу ўринда юқорида санаб ўтилган маънавият асосларини юзага чиқариш ва қарор топтиришда суд тарбия мактаби эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Янги қонун қабул қилиниши муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи Раимқул Алимқулович АЛИМҚУЛОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Раимқул Алимқулович, орзиқиб кутилган Қонун қабул қилинди. У Олий Кенгаш сессиясига «Ўзбекистон Республикасининг Олий суди тўғрисида», «Судьялар мақоми тўғрисида» ва «Суд тузилиши тўғрисида» каби номлар билан тақдим этилган эди. Узоқ музокара ва мунозаралардан сўнг бу лойиҳалар бирлаштирилиб, ихчамлаштирилиб, ниҳоят, содда ва пухта қилиб ишлаб чиқилди. Ягона «Судлар тўғрисида»ги қонун юзага келди. Шуни қисқача шарҳлаб берсангиз.

— Аввало инсон тақдири, давлат, дахлсизлиги муқаддаслигини ва буни таъмин этадиган ҳар бир қонун янада муқаддас эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Суднинг ҳукмисиз ҳеч ким озодликдан маҳрум этилмаслигини, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар учун мажбурий эканлигини ва ниҳоят, суд ҳокимияти давлатнинг муҳим, интизомга ўргатиш қуроли эканлигини инобатга олсак, зиммамиздаги масъулият, бурч ва ваколатларимиз қай даражада жиддий эканлигини англаш қийин эмас.

Шунинг учун «Судлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси узоқ мунозара ва ишланмалардан сўнг ихчам, пухта ва ҳаммабоп қонун бўлиб юзага келди. Бу мустақил Ўзбекистоннинг мустақил судлари тўғрисидаги қонундир. Бу — истиқболи порлоқ давлатимизнинг тараққий этган давлат сифатида ривожланишини, кишиларнинг зўрликдан ҳимоя қилиниши, шахснинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини етарлича қўриқланишини таъминловчи жараёнларда ҳар қандай таъсирлардан ҳоли бўлган суд ҳокимиятининг қонунидир.

СУД ҲОКИМИЯТИ:

ВАКОЛАТ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Қонун асосан беш бўлим ва 84 моддадан иборат бўлиб, унинг айрим бўлимлари бир неча бобларга ажратилган.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан 1981 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида суд тузилиши тўғрисида»ги қонун, 1991 йил 20 ноябрдаги «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги қонун, 1989 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судларининг конференцияларини чақириш ва ўтказиш тўғрисида»ги, 1989 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг қасамёди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми фармонлари ўз кучини йўқотди.

Конституциямизнинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади» деб кўрсатилган. Унинг 22-бобида эса республиканинг суд ҳокимияти хусусида 11 та модда берилган. Мазкур қонун Конституцияда кўзда тутилган ана шу ҳуқуқий нормалар доирасида ишлаб чиқилган.

Масалан, умумий қоидалар берилган биринчи бўлимда — суд тизими, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, суднинг мажбурийлиги, суднинг вазифалари, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, судловнинг ошкоралиги, судлов олиб бориладиган тил, суд ҳимоясида бўлиш, ҳимояни таъминлаш, айбсизлик презумпцияси, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва қонунчилик ташаббуси принциплари белгилаб берилган.

— Алимқул ака, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунарли. Аммо, ҳозирги жиноятчиликка қарши кураш, айниқса, уюшган жиноятчиларга тааллуқли ишларни кўриш жараёнида суд ва судьялар дахлсизлиги янги қонунда қай даражада таъминланган?

— Қонуннинг тўртинчи бўлими 3-бобида судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари кўрсатилган. Судьяларга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун жавобгарлик, судьяларнинг одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджетидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади. Суғурта органлари судья ўз вазифасини бажариш даврида ёки лавозимидан бўшагандан сўнг ҳалок бўлса (вафот этса) башарти бу воқеа судья ўз хизмат вазифасини адо этиш чоғида олинган тан жароҳати ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берса унинг ворисларига судьянинг 50 ойлик иш ҳақи миқдорида суғурта суммаларини тўлайди...

— Бундай имтиёз ва ваколатлардан эс-ҳушини йўқотиб манманлик, бюрократлик кўчасига кириб қолувчи айрим судьялар чиқиб қолиши ҳеч гапмас. Улар фаолияти мутлақо назоратсиз қолиб кетмайдими?

— Йўқ, албатта. Бу қонун судьяларга қанчалик ваколат ва имтиёзлар берса, диёнатсизлик, масъулиятсизлик, манманлик гирдобига дучор бўлган судьяларни шунчалик танобини тортиб қўядиган қонундир.

Қонуннинг 66-моддаси 2-бандида «Судьялар ўз вазифаларини бажариш чоғида, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда одил судловнинг обрўсини тўкадиган, судьялик қадр-қимматига ёки унинг холислигига шубҳа туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзларини тийиши керак» деб кўрсатиб қўйилган. Шунингдек, 73-моддада одил судловни амалга ошириш чоғида қонунларни бузганлиги учун, суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари, хизмат соҳасида ёки бошқа обрўсини тўкадиган хатти-ҳаракатлари учун қаттиқ интизомий жавобгарликка тортилишлари ҳам белгилаб қўйилган.

Мақсадимиз қонунларга оғишмай амал қилиш. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Қонунчилик — бу адолат, интизом, ҳалоллик ва тенглик гаровидир, қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши кераклигини унутмаслигимиз керак».

Суҳбатдош: Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ДАВОГА МУҲТОЖ ЖАРРОҲ

Сал илгарироқ Сирдарё вилояти Ховос туманининг шифохоналарида порахўрлик билан шуғулланаётган айрим тиббиёт ходимлари ҳақида хабар берган эдик. Дори-дармонларнинг нархи осмондалиги, дорифурушларнинг бозори чаққонлиги, пичоғи мой устидалиги сир эмас. Айрим нопок тиббиёт хизмати ходимлари ҳам ўз нафси йўлида дорифурушлар каби ҳеч нарсадан қайтмаяптилар. Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу деганлари шудир-да.

Жигарбандингиз ёки яқин кишингиз бирон-бир дардга чалинса борми, на дорихонадан ва на касалхонадан дори топасиз. Ўз бурчини бажарган «ҳиммати баланд», жигилдони ўпқон врачлар «қиммат дорилардан фойдаландим, ҳаётини сақлаб қолдим», деб писанда қилишади. Бу нима дегани? «Ақли бор» одамга тушунарли, албатта.

Яқинда ана шундай нафс балосига дуч келган Андижон вилояти Балиқчи туманининг Чинобод қишлоқ марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими бошлиғи Авазбек Султонов кўлга тушди. У зикр этилган шифохонада кўпдан бери даволанаётган Мавлуда Мамадалиеванинг турмуш ўртоғидан дорилар учун 10 минг сўм олгани етмаганидек, яна «жарроҳлик қилганим учун нақд 100 минг сўм берасан», деб талаб қилди.

Мавлудахоннинг турмуш ўртоғи ҳам анойилардан эмасди. У 100 минг сўмни санаб берди-ю, Авазбек Султоновни қонун посбонлари қўлига топширди. Туман прокуратураси мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатди. Тергов жараёнида жарроҳни бу касалга қачон мубтало бўлганлиги тўлиқ текширилади. Сўнг порахўрлик дардини даволатиш учун бепул махсус масканга юборилади.

Муҳамадали ТОШТЕМИРОВ, бўлим прокурори.

«Ишонч қоғози» ишончни оқламади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида савдодаги тартибсизликлар камаймаётганлиги, ноёб моллар нархини ошириб сотиш ҳолларининг олди олинмаётганлиги, харидорлар ҳаққидан уриб қолаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаётганлиги ҳақида рўй-рост айтиб ўтилди. Ана шундай олғирлар орасида ички ишлар органларининг айрим нафси бузуқ ходимлари ҳам учраб турса халқ додини кимга айтсин!

Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходими, милиция лейтенанти Фахриддин Отамуродов ана шундайлардан чиқиб қолди. У вояга етмаганлар билан ишлаш, уларни тўғри йўлга солиш, таълим тарбия бериш ўрнига Меҳнатобод тумани матлубот жамияти раиси Шукрулло Султонов билан халфана ош устида тил бириктирди. У Ш. Султоновдан хорижда ишлаб чиқарилган 5 миллион сўмлик пойабзалга ишонч қоғози олди. Сирдарё вилояти «Интерторг» базаси раҳбарининг ўринбосари Казибаев орқали бу ноёб молларни базадан олди-ю тўғри бозорга равона бўлди.

«Импорт» молнинг баҳоси осмондалиги ҳаммага маълум. «Меъдаси тўқ» милиция лейтенанти тантилик қилиб, «акаси»ни ҳам унутмади. Молнинг тенг ярмини ҳамтовоғи, матлубот жамиятининг раиси Ш. Султонов уйига туширди. Бу — бозордан қолгани, албатта.

Хуллас, қўли очиқ матлубот жамияти раиси Ш. Султоновнинг бу сирли операцияси, ноёб моллар қимматию, милиция лейтенантининг эмас, ги тақдири вилоят прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иш натижаларига қараб ҳал бўлади.


Х. ХУДОЁРОВА, республика прокуратураси ҳуқуқ-тартибот ва қонунларни мужассамлаштириш бўлими бошлиғи муовини.

БОЖХОНА ПОСТИ СЕРГАК

Сурхондарё вилоят божхонасининг Туркманистон билан чегарадош 8-Оқтош пости ходимларининг сергаклиги туфайли катта миқдордаги давлат мулки четга чиқиб кетмади.

Тонг саҳарда тоғ айланма йўлидан келаётган 22—09 СДЛ рақамли юк машинаси тўхтатилиб, текширилганида унга умумий қиймати 2 миллион сўмлик шифоньер, трюмо ва хонтахта юкланган маълум бўлди. Бу камёб жиҳозлар давлат фойдасига мусодара этилиб, олибсотарлик билан шуғулланган кимса сўроқ қилинмоқда.

(ЎзА).



Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси тезкор хизмати бўлими ходимлари яна бир жиноятчи гуруҳ фаолиятига чек қўйишди. Эҳди жиноятчилар ўз қилмишлари учун одил суд олдида жавоб беришади.

СУРАТДА: тезкор гуруҳ ходимлари жиноятчилардан тортиб олинган қуролларни қонуний жиҳатдан расмийлаштирмоқдалар.

Р. СОЛИЕВ олган сурат.

КЎЗА СИНГАН КУН

Ҳозир бензин сотиб даромад қилувчи кимсалар кўпайиб кетди. Ҳатто темирйўл шоҳбекатларида сақланаётган цистерналардан ҳам ёнилғи ўғрилнадиган бўлди. Хўш, бу иш билан кимлар шуғулланяпти? Фарғона транспорт прокуратураси ходимлари бу саволга жавоб топди.

..Тун. Аҳён-аҳёнда ўтаётган поездларнинг шовқинини ҳисобга олмаганда темирйўл станциясида сокинлик. Аъзамбек ва Фарҳод бошлиқ бир неча йигит бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Улар Олтиариқ станциясидан Наманганга жўнатилган 51791 литр Р—2 бензинни ўғирлади. Олдиндан режалаштирилган ишга пухта ҳозирлик кўрилди. Махсус идиш, 15 метрлик шланг тайёрлаб қўйилган эди. Аммо «тадбиркорлар» ўғирланган маҳсулотни пуллаб улгурмади. Шоҳбекат ички ишлар бўлими ходимлари уларни фош этди. Қўқон шаҳар халқ суди ёнилғи ўғрилари — Қўқон шоҳбекатига қарашли поездларни таъмирлаш корхонаси ишчиси Аъзамбек Ҳасанов ва Қўқон депоси қоровули Фарҳод Раҳмоновни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди ва уларга тегишли мол-мулкни давлат фойдасига мусодара этди.

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Дўстлик шаҳар нон маҳсулотлари комбинатидаги айрим кимсалар Тошкент темирйўл бўлими Дўстлик бекати бошлиғи Ж. Раҳматов билан келишиб, 70 тоннадан ортиқ биринчи нав унни ғайриқонуний равишда Туркманистонга жўнатаётганда қўлга тушди. Бухоро божхона ходимлари ушлаб қолган 11 миллион сўмликдан зиёд ун мусодара қилинди. Қинғир ишга қўл урганлар кўп миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

(ЎзА).

● *Милиция ҳаётидан*

«ҲАММА ПОСТЛАР ДИҚҚАТИГА!»

«02» хизматининг тезкор навбатчиси махсус дафтарга 31 октябрь куни рўй берган барча ҳодисалар қаторига ушбу хабар ва керакли маълумотни киритиб, зудлик билан раҳбариятга маълум қилди. Тезкор гуруҳ ходимлари белгиланган манзилга етиб келдилар. Хонада автомат ўқидан танаси титилиб, қонга беланган бир аёл ва эркак киши ётарди. Эркак ҳаётдан кўз юмган, аёл эса чалажон. Тезда унга тиббий ёрдам кўрсатилди, афсуски...

«Жиноятчи қандай бўлмасин топилиши, тегишли жазога тортилиши шарт эди. Бутун Тошкент шаҳар милицияси оёққа турди. Бироқ жиноятчининг шахси ҳам, айни вақтда қаердалиги ҳам номаълум. Текширувлар, изланишлар... Бор имконият ва маҳорат ишга солинди. Тезкор гуруҳдагилар ва бошқа турли хизмат ходимлари якдиллик билан ишга киришдилар. Тез орада марҳумнинг муқаддам судланганлиги маълум бўлди. Хонада бўшаб ётган шишалар эса бу шахс жазо муддатини ўтаб қайтганидан кейин ҳам тегишли хулоса чиқариб олмаганидан далолат берарди. Унинг уйида бевақт ҳалок бўлган аёл эса уй эгасининг умр йўлдоши бўлмай, шунчаки танишларидан бирига ўхшарди.

Кеч соат саккизлар атрофида Тошкент шаҳрига яқин туманлардан бирида «Москвич» ҳайдовчисига автомат билан ташланган номаълум шахс ҳақида хабар тарқалди. Бу ўша қотил эканлиги аниқ эди. Кўп ўтмай, унинг бошқа бир оқ «Жигули»ни эгаллаб олгани аниқланди. Турнақатор машиналарни диққат билан текшираётган Давлат автомобил назорати ходимлари асосий эътиборни кўпроқ оқ рангли «Жигули»ларга қаратган эдилар. Улар қайсидир машинада автоматни отишга тайёрлаб келаётган қотил борлиги ва у ким биландир тўқнаш келишини яхши билишса-да, ҳеч нарса сезмагандек, эҳтиёткорлик билан ҳайдовчиларни ҳужжатлари ва машиналарини текширишарди.

Бундай хавфли вазият улар ҳаётида биринчи бор эмас, албатта. Ҳар доим, ҳар қадамда ҳар дақиқада кутилмаган қуролли жиноятчилар билан юзма-юз учрашишлари мумкинлигини яхши билишади.

Милиция ходимлари гумон қилинаётган қотилни қўлга олиш учун ўқотар ва совуқ қуроллардан ҳимоялайдиган махсус кийимларни кийиб, жиноятчини қўлга олишлари мумкин эди. Аммо улар ўша оқ машинани бошқараётган ҳайдовчининг ва кўча-кўйда кетаётиб қотилнинг тасодифий қурбони бўлиши мумкин бўлган йўловчиларнинг хавфсизлигини ўйлаб махсус иш тутдилар. Жанговар кийимда эмас, доимий оддий кийимда хизмат жойларида турган милиция ходимлари ҳушёрликни оширдилар.

— Қандай бўлмасин, шу бугуноқ қотил топилиши ва қўлга олиниши лозим, — деди қайта-қайта операцияга бевосита бошчилик қилиб турган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори Комилжон Ғопуров. У шахсан ўзи минг бир режа тузиб, турли йўлларни ва усулларни изларди. Милиция ходимлари ҳам бошлиқларининг қатъий талабини яхши тушунишарди. Дуч келган кишига ташланаётган бу нусха мумкин қадар тезроқ қўлга олинмаса, яна кимларнингдир умрига зомин бўлиши аниқ.

Фурқат ва «Ўзбекистон» кўчаларининг кесишган жойидаги чорраҳада турган ДАН ходими милиция сержанти Музаффар Турсунқулов яқинлашаётган «06» маркали оқ «Жигули»нинг ҳаракатидан шубҳаланди-да, ҳайдовчига тўхташ ишорасини қилди. Ҳайдовчи машинани тўхтатгач, кабинада бироз ушланиб турди-да,



секин машинадан тушди. М. Турсунқулов кундалик хизмат текширувидек бамайлихотир ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечира бошлади. Тўғридан-тўғри машинага яқинлашиш эса жуда хавфли эди. Лекин қандай бўлмасин, қоронғи кабинада яна ким бор-йўқлиги текшириб кўрилиши керак эди. ДАН постидан узоқроқда ёрдамга шайланиб турган милиция катта лейтенанти Фахриддин Музаффаров вазиятни тушунгач, тезда патрул машинасида етиб келди-да, оқ «Жигули» ва унинг ҳайдовчиси билан суҳбатлашаётган ДАН ходимининг оралиғига машинасини қўйди. Бу билан у операцияда кўзда тутилган икки вазифани бажарди: биринчиси — машинани йўловчилар бўлмаган жойда тўхтатиш, иккинчиси ҳайдовчини машинадан, қуролланган қотилдан узоқлатиш эди.

Ф. Музаффаров «Нива» машинасидан кўтаринки кайфиятда тушди-да, М. Турсунқуловга йўл-йўлакай кўпдан буён кўрмаган икки қадрдонини тасодиф учратганини гапирганча яқинлашди. Бир-бирининг кўзига қараб, келишилгандай Фахриддин яна ортга қайтди. Ҳозиргина келиб тушган патруль машинасини бир-икки жойини кўздан кечирган бўлиб, орқасидан айланиб ўтди ва шу вақтда «Жигули» кабинасига ҳам назар ташлади. Машинада қотил яшириниб турганини аниқ кўрди. Лекин яна ҳеч нарса сезмагандек, ўтиб ўз машинасига минди. Рацияни олиб махсус тузилган штабдагиларга қотил шу ерда эканлиги ҳақида хабар берди. «Қўлга олинсин» деган буйруқни олди-ю, машинадан тушди... Бироқ шу заҳоти «Жигули»нинг олди ойнасидан автомат «тил»га кирди. Фахриддин оғир яраланганлигига қарамай, рацияни амаллаб яна қўлга олди: «автоматдан ота бошлади, мен яраландим», дея ҳушидан кетди. Жиноятчи ДАН ходими М. Турсунқуловни ҳам яралади, Отиша бошланиб кетди... Муқаддам бир неча бор судланган жиноятчи оғир яраланди ва шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди. Унинг қўлидан олинган Калашников автоматида эса яна беш дона ўқ қолган эди.

Милиция ходимлари М. Турсунқулов ва Х. Музаффаровлар шифохонага ётқизилди. Касбдошлари, ўртоқлари уларнинг ҳол-аҳволидан тез-тез хабар олиб туришибди.


— Ўтган ўн ойда касбдошларимиздан 66 нафари турли даражада жароҳат олишди, — деди Фахриддин Музаффаров. — 12 тасидан эса жудо бўлдик. Биз ҳар доим олдимизда хавфхатар турганини яхши биламиз. Бундай масъулиятли ва шарафли хизматни ўзимиз танлаганмиз-да. Омадимиз бор экан, автомат ўқидан ҳам омон қолдик. Насиб этса тез орада сафга қайтамиз. «Бўридан қўрқсанг, ўрмонга кирма» деган гап бор. Қўрқоқлар милицияга киришмайди...

Айни вақтда Юнусободда рўй берган қотилликнинг сабаблари, оқ «Жигули» ҳайдовчисининг қотилга «садоқат» билан хизмат қилгани, жиноятчига автомат қаердан келиб қолгани, шу ва шу каби кўплаб масалаларни ойдинлаштириш мақсадида тергов ишлари давом эттирилмоқда.

Абдураҳим ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими, ички хизмат лейтенанти.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДИҚҚАТ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА...



Душанба, 22. XI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.35 «Тадбиркорлар».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Эълонлар.
19.25 Лирик концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. «Бобурийлар шажараси».
21.30 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 7-қисм.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.50 «Мусаввир оқшоми». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.00 «Бизнинг суҳбат».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
21.00 «Ижтимоий ҳимоя —мезон».
21.30 «Ассалому алайкум».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатуви.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
9.46 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 24-серия.
10.10 «Нима? Қаерда? Қачон?».
11.20 «Мавзу».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Мусиқий башорат». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-серия.
16.40 Мультфильм.
16.50 Болалар телевидениеси уюшмаси таништиради: «Олтитадан олтитаси».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Петров хиёбони ҳақида хотиралар.
19.20 «Гол».
19.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.50 «Театр+ТВ».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 24-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».
22.15 Ҳужжатли фильм.
«Янги студия» таништиради
22.25 «Монтаж».
23.25 «Қингир-қийшиқ эфир».
23.35 «Бомонд».
24.00 «ТВ-Х».
00.55 «Мен».
01.00 «Видеоасс».
Танаффус пайтида (00.10) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 «Мутлақо махфий».
10.40 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.25 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
12.00 Хонаки экран. «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса».
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабелла». Бадиий фильм.
15.10 Ишдан бўш пайтингизда.
15.25 «Рек-тайм».
15.55 Болалар учун янгиликлар.
16.10 Мульти-пульти.
16.25 «Бола тилидан».
16.55 «Телегазета».
17.00 «Қутқариш хизмати 911».

*

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 «Мусиқа йирик планда».
20.40 «Хусусий коллекция».
21.00 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Қувиш». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
21.55 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Джон Фицджеральд Кеннеди». Си-Би-Эснинг ҳужжатли кўрсатуви.
23.30 «Мусиқа эса пулдан қиммат...».
00.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Сешанба, 23, XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Дўст билан обод уйинг».
7.50 «Энг митти гном». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 7-қисм.
10.20 «Тошбақа ва скрипка». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Сув— ҳаёт манбаи.
11.00 Араб тили.
11.30 «Ёшлик» студияси. «Тежамкорлик сирлари».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
18.35 «Муштарийлар, Сизлар учун».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Эълонлар.
19.25 «Устоз ардоғидаги шогирд». Зайнаб Мирзатиллаева.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Ўзбекистон Конституцияси — истиқлолимиз қомуси».
21.30 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 8-қисм.
22.50 «Кулол Раҳим бобо». «Ўзбектелефильм» премьераси.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 «Суперспорт».
20.55 «Уй қураётган бўлсангиз»...
21.15 «Алоқалар ва шартномалар».
«ОМАД» таништиради.
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 00.50— Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Домисолька».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Мультфильм.
10.40 «Инсон ва қонун».
11.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.30 «Келинг, «Оқсой божхонаси» музейининг очилишини эслайлик» (Ростов-Дон).
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Россия сайловининг акс садоси».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Мавзу».
22.10 «Матбуот-экспресс».
22.25 «Кинопанорама».
23.20 Ҳужжатли фильм.
23.30 «Кремль девори ортида».
00.10 Янгиликлар.
00.55 «Уз-ўзингга мадад бер».
01.25 «Рок-н-ролл ТВ».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Джон Фицджеральд Кеннеди». Си-Би-Эс ҳужжатли кўрсатуви.

* * *

12.05 Хонаки экран. «Уч кун ҳукмсиз». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабелла Транзисторияда». Бадиий фильм.
15.05 Катталар учун эртаклар.
15.40 «Бизнинг кун». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.20 Болалар учун янгиликлар.
16.35 «Рост» студияси. «Леголендга саёҳат».
17.05 Ватаним менинг. «Бўйсунмас қупина».

*

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 «Банкнинг «ҳарбий сири».
20.05 «Трансросэфир».
20.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 246-серия.
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Асил ҳолича».
23.20 «Мусиқий синов». Эстрада ёш ижрочиларининг танлови.
00.20 «Антреприза».
00.50 Санъат майдони. «Санкт-Петербург камерата» камер оркестри.

Чоршанба, 24. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Куйла, йигирма ёшим».
7.50 «Йўл-йўл филча». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 8-қисм.
10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
10.45 Хитой тили.
11.15 «Ёшлик» студияси. «Истеъдодларни излаймиз».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кабутарим». Телефильм.
18.20 «Сифатли тола учун».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Эълонлар.
19.25 «Сумалак» ансамблининг концерти. Шарқ халқларининг тароналари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат».
21.30 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 9-қисм.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Шаҳар юмушлари».
20.20 «Спринт».
20.45 «02» тўлқинида.
21.10 «Ишбилармонлар».
21.50 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 Мультфильм.
9.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.40 «Савдо кўприги».
11.10 Болалар телевидениеси уюшмаси таништиради: «Олтитадан олтитаси».
11.40 «Олис, олисда Чад кўли ортида». Телефильм.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Время-4».
17.20 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси. 23-серия.
17.50 Ҳужжатли фильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Рус олами».
22.00 «Оқ отлар». Телефильм.
22.20 Хоккей. ХХЛ чемпионати. МАСК — «Авангард» (Омск). 3-тайм олиб кўрсатилади.
23.00 «...Бориб А. Степанованинг ҳимоя қилинг...». В. Вульф ҳикоя қилади.
23.50 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Монако» (Франция)— «Спартак» (Москва).
02.20 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Асил ҳолича».
9.55 «Сиз яратган боғ».
10.25 «Параллеллар».
10.40 Мульти-пульти.
10.50 «Мусиқий синов». Эстрада ёш ижрочиларининг танлови.
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 246-серия.
12.40 «Ватаним менинг».
13.35 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.00 Телеэкранда — премьера. «Совуқ». Бадиий фильм.
15.15 «Здоровье».
15.45 «Рус ижозатномаси».
16.15 Болалар учун янгиликлар.
16.30 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?».
17.00 «Экзотика».

*

18.00—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 «Трансросэфир».
21.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 247-серия.
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви.
23.15 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси.
23.45 «/.—клуб».
00.30 Криминал хабарлар экрани.
00.40 «Клиника». Ҳазил-спектакль.
01.20 Санкт-Петербург мусиқаси.

Пайшанба, 25. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз..».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ватанимни куйлайман».
7.50 «Яшил орол сири». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.15 «Нукус». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Матбуот саҳифаларида [рус тилида].
9.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 9-қисм.
10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
10.45 «Ёшлик» студияси. «Ватан ўғлонлари».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Аждодлар мероси — хазина».
18.40 «Чуст жилолари». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Эълонлар.
19.25 «Саодат бу...». Концерт.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Ўзбекистон Конституцияси — истиқлолимиз қомуси».
21.30 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 10-қисм.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
«ОМАД» таништиради
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
13.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.
14.50 Мультфильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.35 «Музограф».
16.55 «Сиз бунга қодирсиз».
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Твин Пикс». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
22.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.
23.10 Ҳужжатли фильм.
23.20 «Эфирда мусиқа». Танаффус пайтида (00.10) — Янгиликлар.
01.30 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Тилла шпора».
9.40 Тонгги концерт.
9.55 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара».
10.45 Мульти-пульти.
10.55 «Телегазета».
11.00 «К-2» таништиради: «САС».
11.55 «Қаҳр-ғазабсиз ҳаёт».
12.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 247-серия.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 «Параллелар».
14.10 «Серқирра Песков».
15.10 «Қутқариш хизмати 911».
16.05 Болалар учун янгиликлар.
16.20 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.55 «Мен йўлбошчиман».
17.15 «Кстово — жаҳон самбоси шаҳри».

*

18.00—20.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 248-серия.
20.55 «Осойишта уй».
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Осойишта уй» (давоми).
23.25 «Рек-тайм».
23.55 Чайковский йили. «Яна бир саҳифа».
00.15 Криминал хабарлар экрани.
00.25 «Арт-обстрел».

Жума, 26. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Севги қўшиқлари.
7.50 «Чархпалак». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Наманган сеҳргарлари». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 10-қисм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
11.15 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
18.40 «Наққош». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиева куйлайди.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдидан. «Бобур лирикаси».
21.45 «Қароқчи чўллар». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Миришкорлар».
19.55 «Писмиқ». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан [рус тилида].
21.30 «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.40— Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Болалар учун фильм. «Юлдузча ва қулонча».
10.05 «Олеся ва компания».
10.35 Бурятиянинг оҳанглари ва тароналари.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Америка М. Таратута билан».
12.50 «Рус олами».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Олеся ва компания».
16.40 «50х50».
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Россия сайловининг акс садоси».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Мўъжизалар майдони».
22.25 «Твин Пикс». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
23.25 «Матбуот-экспресс».
23.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
24.00 Янгиликлар.
00.45 «Музобоз».
01.30 «Сиёсий бюро».
02.10 «Авто-шоу».
02.40 «Мен деярли машҳурман».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 «Кетдик».
9.10 «Осойишта уй».
10.05 «Оқ қарға».
10.50 «Ретро-шлягер».
11.20 «Катта жанжал».
11.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 248-серия.
12.40 Россия телевизион театри. А. Куприн. «Гамбринус». 1-қисм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 А. Куприн. «Гамбринус». 2-қисм.
15.20 «Телегазета».
15.25 Сайёрадош қўшниларимиз. «Албанияга бир назар».
15.55 Жума куни Дисней. «Қора ўқ». Бадиий фильм. 1-серия.
16.45 Болалар учун янгиликлар.
17.00 «Сатирикон» студияси. С. Альтов бенефиси.

*

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 «Антреприза».
20.25 «Экспомарказ» таништиради.
20.30 «Шарман-шоу».
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Трансросэфир».
22.55 «Сигнал».
23.15 «Ўтмиш сари олға». Мусиқий кўрсатув.
00.30 «К-2» таништиради.
01.20 «Кечки салон».

Шанба, 27. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Халқ куйлари.
7.50 «Маҳмадона». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Инглиз тили.
9.40 «Самолёт қайтарилди». Бадиий фильм.
11.00 «Ўзбекистон спорти».
11.20 «Ўқитувчи-93». Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг кўрик-танлови якуни.
12.20 Форс тили.
12.50 «Мусиқий учрашувлар». Чортоқ шаҳар Короскон кабель ижара корхонаси.
13.40 «Ҳужжатли экран».
14.20 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Уч апельсин». Фарғона Давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
18.45 «Қалб садолари». Телефильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Актёрлар ва роллар». Турдибек Содиқов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Янграсин шўх яллалар».
21.30 «Мерос». Аҳмад Яссавий.
22.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Марли саройи». Телефильм.
19.30 «Танаффус». Халқ таълими вакиллари билан бевосита мулоқот.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 2-серия.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.50 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Матбуот-экспресс».
7.05 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» таништиради.
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Мусиқий дўкон».
11.25 «Лаззат».
11.40 Ҳужжатли фильм.
12.00 «Китобхона».
12.40 «Юмор антологияси».
13.10 «Ихтилоф». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8 ва 9-сериялар.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи—Узун пайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-серия.
15.55 «Мулкдор алифбоси».
16.05 «Пул ва сиёсат».
16.35 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви.
17.15 «Қизил квадрат».
17.55 «Янгра, гармонь!».
18.40 «Қойилмақом еттовлон».
19.35 «Миниатюра».
19.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Ўзбилармон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради; «Орзу савдогарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (АҚШ).
22.20 «Пётр Лещенко шарафига». Концерт.
23.05 «Резонанс» студияси таништиради.
23.25 «Фестиваллар намойиши». Салоникида халқаро кинофестиваль (Греция).
00.10 Янгиликлар.
00.55 Охирги киносеанс. «Декалог-VIII». Телевизион бадиий фильм премьераси.
01.50 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «Кутичани оч». Ҳужжатли фильм.
8.50 «730-формула».
9.20 Мульти-пульти.
9.30 «Ҳали англанмаган коинот».
10.00 «Рост» студияси. «Янгиси кимга?».
10.30 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.15 «Мусиқа йирик планда». Мюнхенда Европа мусиқий фестивали.

*

12.05—16.05
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.05 «Мамлакатлар, воқеалар. одамлар».
12.15 «Дунё эшиги».
13.05 «Рангинкамон» (тожик тилида).
13.55 «Экосан» — экология ва саломатлик жамғармаси хабарномаси.
14.35 «Изланиш самаралари».
15.15 «Безнен мирас» (татар тилида).
15.55 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 «Россия меценати».
16.50 «Квадрат илдиз остидаги чақа-тангалар».
17.20 Фольклор. «Шимол ёғдуси».
17.50 Спорт кўрсатуви.

*

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 «Чегарасиз футбол».
20.55 «Евросиё-ТВ» таништиради: «Феликс Круллнинг иқрори». Бадиий фильм. 1-серия.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Ватандошлар».
23.00 «Ксюша ҳузурида».
23.30 «Маски-шоу».
24.00 «Фильмлар премьераси».
00.15 «Репортёр».
00.30 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби».
01.00 Тунги сеанс. «Кўзгу». Бадиий фильм.

Якшанба, 28. XI

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм [Ҳиндистон]. 42—43-сериялар.
10.00 Немис тили.
10.30 «Оламни асранг».
11.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.55 Ўзбек тилини ўрганамиз.
12.25 «Мулоҳаза». Андижон театри ҳақида.
13.20 «Бунёдкор».
13.45 «Агар мўъжиза юз берса». София Сафтарова.
14.20 «Ватанпарвар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Томоша».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Истеъдод». Фатхулла Маъсудов.
19.00 «Ҳафтанома» [рус тилида].
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 Дам олиш концерти.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Самраат». Бадиий фильм [Ҳиндистон]. 1—2-сериялар.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 «Мультфейерверк».
17.30 «Курьер».
17.40 «Мусиқий йўлка». Мусиқий кўрсатув.
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.20 «Театр олами».
18.50 «Совға».
19.15 «Даракчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Видео-О».
21.30 «Курьер».
21.40 «Шарқ дурдоналари».
22.10 «Даракчи».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.35, 19.00, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.40 Эрталабки гимнастика.
6.50 «Руҳни чиниқтириш».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Авто-шоу».
9.00 «Паузасиз».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото».
10.45 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
11.25 «Полигон».
11.55 «Ленд-детективи».
12.40 «Саёҳатчилар клуби».
13.30 Ҳужжатли фильм.
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

15.00 Янгиликлар.
15.15 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
15.55 «Харитадаги номлар. Сахалин томон йўл». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»).
16.20 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 «Ҳунарли хор бўлмайди».
17.50 «Большой театр. Кунлар ва оқшомлар».
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 «Нима? Қаерда? Қачон?».
20.10 «Киношарҳ».
20.40 «Хайрлашув гастроллари». Телевизион бадиий фильм премьераси. («Исповедь» студияси).
22.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатуви.
22.45 Катталар учун мультфильмлар.
23.00 «Эндилинда». Диний кўрсатув.
24.00 Янгиликлар.
00.20 Хоккей. ХХЛ чемпионати. «Лада» (Тольятти) — «Динамо» (Москва). Тольяттидан кўрсатилади.
02.20 «Тонг юлдузи» — тунги эфирда.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «Ишонаман». Ҳужжатли фильм.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Калит» кўрсатуви. «Шохона сафар».
10.05 «Агар сиз...».
10.35 «Рост» студияси, «Якунлар», «Соник супер-ежик».
11.05 «Ати-бати...».
11.35 «Қарама-қаршиликлар».

*

12.10—15.55
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
12.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.20 «Ракурс». Ноанъанавий табобат ҳақида.
13.00 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўллари».
13.30 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
14.10 «Светлица польска».
14.45 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузатлари», «Қора плашч».
16.50 «Ҳайвонот оламида».
17.50 «Экспомарказ» таништиради...

*

18.00—20.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 Эй-Би-Си якшанба оқшоми. «Аттика». Бадиий фильм.
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Сиднейда Мадонна концерти.
23.55 «Қарама-қаршиликларга бой Америка».
00.25 «А» программаси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Имкониятни бой бермай алоқа бўлимларига шошилинг!

Унинг бир йиллик обуна нархи 20 минг 400 сўм.

Олти ойга 10 минг 200 сўм. Қиммат дейсизми? Арзон эмас, албатта. Аммо, «Арзон беминнат бўлмас, қиммат — беҳикмат», деган мақолни ҳам унутманг.

Эслатма: «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш марта чиқади, телекўрсатувлар программаси унда мунтазам бериб борилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

• *Шахсий мулоҳаза*

ҲАМИША ДЎСТМИ?

(ЭКИ ИТ ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ ХУСУСИДА)

Шаҳарга меҳмонга келган Наргиза кўп қаватли уй зинапоясидан ит етаклаб тушиб келаётган амакини кўриб ўзини четга олди. Ит тилини осилтириб унинг ёнига келганда йиғлаб юборди.

— Ойимлани ит тишлаб ўлганла, — деди кўзи жиққа ёшга тўла қиз нотаниш амакига.

Ит етаклаган одам узоқлашгандан кейин ҳам у анча вақт ўзига келолмади,

Нафақат Наргиза, унинг оила аъзолари ҳам итни ёмон кўришади. Ахир улар дайди ит туфайли дунёдаги энг азиз, меҳрибон кишисидан айрилиб қолдиларда. Эндигина 32 баҳорни қаршилаган Ойпарча Нурматова қутурган ит тишлаши оқибатида касалланиб, ҳаётдан кўз юмди. Хўш, нега шундай бўлди? Бу дард бедавомиди? Унинг олдини олса бўлмасмиди?

— Албатта бўларди, — дейди вилоят санитария—эпидемиология станцияси бош врачи Н. Раҳимов. — Қутурган ит тишлаган кишилар шифокорларга мурожаат қилсалар, албатта тузалиб кетишади. Бундай дардни даволашнинг деярли юз фоиз имкони бор. Бу амалда исботланган.

Ойпарчанинг ҳаётдан бевақт кўз юмгани Задарё тумани тиббиёт ходимлари кўзини мошдай очди. Аммо масъулиятсизлик, ғафлат уйқуси ўз ишини қилганди. Уларнинг бепарволиги, жуда қимматга тушди. Бир оила бекасидан айрилиб, тўрт бола чирқираб етим қолди. Аслида, бу касаллик бедаво эмасди.

Афсуски, бу ягона воқеа эмас. Ўтган йили Наманган вилоятида тўрт нафар киши қутуриш касаллигидан вафот этди. Республикамизда эса бу кўрсаткич 38 кишига етган. Ҳолбуки, буларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўла туриб мана шундай ҳодиса рўй бергани ғоят ачинарлидир.

Маълумки, 1980 йилда қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 400-қарори чиққан эди. Лекин унинг ижросини назорат қиладиган, сўраб-суриштирадиган мутасадди топилмади. Оқибатда қарор чиққан йили Наманган вилоятида 1825 кишига ит ва бошқа ҳайвонлар тишлаб шикаст етказган бўлса, 1992 йилга келиб бу рақам 8447 нафарга етди. Республика миқёсида эса ундан ҳам кўп. Хўш, ана шу 400-қарорнинг бажарилишини қайси мутасадди ташкилот назорат қилади.

Қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича республикамизда амалий иш қилинмаётгани ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қимматга тушмоқда. Оддий бир мисол: мутахассисларнинг таъкидлашича, қутурган ит ва бошқа ҳайвонлар тишлаб шифохонага ётқизилган бир беморни ўн беш кун даволаш учун ўрта ҳисобда юз минг сўм атрофида харажат қилинмоқда. Биргина Наманган вилоятида шу йилнинг олти ойи давомида 1704 киши шу касаллик билан шифохонага ётқизилиб даволанган ва 170 миллион 400 минг сўм пул сарфланган. Республикамиз бўйича қанча маблағ сарфланганлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик-чи?

Шу ерда ўринли савол туғилади. Қутуриш касалига чалинган кишиларни даволаш учун бир неча ўн миллионлаб маблағ сарфлаш ўрнига, унинг олдини олиш чораларини кўриш афзал эмасми? Бироқ, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ветеринария хизмати соҳасидаги мутасаддилар, жойлардаги раҳбарлар оддий мана шу ҳақиқатдан кўз юмишмоқда. Маълум бўлишича, қишлоқ кенгашларида ва уй-жой коммунал хўжалигида , хонадонларда сақланаётган чорва ҳайвонлари рўйхати бор, холос. Ит, мушуклар эса ҳеч қаерда қайд этилмаган. Хонадонлардаги чорва ва бошқа ҳайвонларга ветеринария хизмати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Хонадонларда сақланаётган бирор итнинг қутурганлиги аниқлангандан кейин ўша маҳалла хонадонларидаги ит ва мушуклар рўйхатга олиниб, қутуришга қарши эмланади, — дейди вилоят санитария-эпидемиология станцияси ўта хавфли, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўлими мутахассиси Одилжон Хўжаев.

— Нега энди ит ёки бошқа ҳайвон қутуриб атрофдагиларга шикаст етказгандан кейингина ҳаракатга тушиб қолинади? Хонадонларда сақланаётган ит, мушукдан тортиб барча чорва ҳайвонларигача олдиндан рўйхатга олиниб, эмлаш, ишларини амалга оширса бўлмайдими? — сўраймиз ундан.

— Бўлишга бўлади-ю, аммо илгаридан бу ишларга панжа орасидан қараб келинган. Ҳозир эса қутуришга қарши вакцина ва бошқа дори-дармонлар жуда ноёб. Соғ ҳайвонларни эмлаш у ёқда турсин, ҳатто қутургани аниқланганларини ҳам эмлашга дори топиш амри маҳол. Қолаверса, бундай ўта хавфли ва юқумли касалликнинг олдини олиш учун нафақат шифокорлар, балки ҳамма баравар курашиши лозим. Шундагина бу соҳада ижобий натижага эришиш мумкин.

Одилжон аканинг гапини эшитиб, бир воқеа ёдимга тушди.

— Уйимиздаги итимизнинг авзойи бузилиб, кўринган одамни тишлаб оладиган бўлиб қолди, — дейди Ж. Абдиев — Участка врачи ва бошқалар «итинг қутурган, уни тез йўқот дейишди». Итимни отиб беринглар, деб бормаган жойим, идорам қолмади. Ички ишлар бўлими ходимлари ана борамиз, мана борамиз, деб келишмади. Орадан 5—6 кун вақт ўтди. Бу орада қўшнимнинг молини тишлаган экан у ҳам қутуриб ўлди. Қўшнимнинг барча оила аъзоларини шифохонага ётқизишди. Охири, итимнинг ўзи қаёққадир кетиб йўқолди. Икки ойдан буён унинг орқасидан яна бир шум хабар эшитмасам, деб юрагимни ҳовучлаб юрибман....

Мана, сизга муаммо. Қутурган ит инсон ҳаётига хавф солиб турса-ю, уни отиб ташлайдиган бирор мард топилмаса. Демак, бундай хавфли касаллик билан курашадиган мутасадди йўқ. Қишлоқ хўжалиги раҳбарлари, қишлоқ кенгашлари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ички ишлар бўлими ходимлари ҳаммаси ўзини четга олишяпти. Ҳолбуки, улар биргаликда жойларда овчилар гуруҳи ташкил этиб, дайди ит, мушук, каламушларга қарши кураш олиб боришлари керак. Айнан мана шу гуруҳларнинг йўқлиги туфайли қишлоқ, қўрғон ва шаҳар четларида гала-гала итлар, пастқампана жойларда мушуклар, каламушлар тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг озуқа манбаи асосан ахлатхоналар бўлганидан кейин қандай қилиб касаллик тарқатмайди, деб айтиш мумкин.

Кўриниб турибдики, аҳоли ўртасида қутуриш касаллигининг олдини олиш ва уни мутлақо йўқотиб юбориш масаласи шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Шу боис, 400-қарор қайта кўриб чиқилиб, қутуриш касаллигининг олдини олиш ва аста-секин тугатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланса мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, республикамиз фуқаролари ҳаётига хавф солаётган юқоридаги каби ҳолатлар билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



«Мен ҳам чўпон бўламан».
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

• *Одамлар ва одатлар*

АКСИРИШ— ЯХШИЛИК БЕЛГИСИ

Аксирган кишига соғлиқ тилаш аслида қадим замонда расм бўлган. Бу одат эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида Фаластин мамлакатида кенг тарқалган. Яҳудий коҳинлари, китоб чиқарувчиларининг фикрига қараганда, «оламнинг яратилиши»дан кейин қандайдир хавфли касаллик пайдо бўлган эмиш. Ҳақиқатан ҳам, ўпка ўлати хасталиги кенг тарқалган. Бу оғир дард енгил аксириш ва йўтал билан бошланган. Шунга кўра, ўша замонда аҳоли ўртасида аксириш фавқулодда ҳодиса ҳисобланган ва аксирувчига соғлиқ тилашга шошилган.

Шу тариқа ҳатто юқумли касалликлар тарқалмаган вақтда ҳам одамлар аксиришга ёмонлик нишонаси, деб қарайдиган бўлишган.

Бошқа мамлакатларда эса аксиришнинг яхшиликка йўйилганлиги келтирилади. Масалан, юнонлар одамни аксиришга мажбур қилиб, шу орқали унга ва унинг элатига бир нарсанинг нишонасини билдиради деб ишонишган.

Қадимги римликларда аксиришга ижобий қарашган. Рим императори Тиберий ўз фуқароларига ҳар қайси аксирган кишини: «Бу сенга яхшилик келтирсин!» — деган маънодаги сўзлар билан дарҳол табриклаш тўғрисида махсус фармон чиқарган. Агар кимки бу сўзни айтишда ҳаяллаб қолса, унга жарима солинган.

• *Мозийга назар*

ЭҲ, ПУЛ... ПУЛ... ПУЛ...

Мен иқтисодчи эмасман. Молияни биламан, деб даъво ҳам қилмайман. Зеро, Ўзбекистоннинг ўз пул бирлигига — миллий валютага ўтишини қизғин қўллаб-қувватлайман. Ана шу мавзуга оид бўлган айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Қўҳна Турон заминида давлат ва ҳокимият тимсоли бўлган пул ҳеч қачон қадрини йўқотмаган. Бундан минг йил аввал Осиёда ва Оврупода мусулмон савдогарларининг моллари ҳам, пуллари ҳам қадрли ва машҳур эди. Карвон савдоси дастлаб айирбошлаш йўли билан олиб борилган. Пул фақат ҳисоб-китоб бирлиги сифатида хизмат қилган. Хитойда мусулмон савдогарлари мол айирбошлашса, Оврўпода уларнинг кумуш тангаси пул ва товар бўлиб ҳам хизмат қилган.

Рус савдогарлари эса Ўрта Осиёнинг кумуш пулларига жуда ўч бўлишган ва бу тангаларга шарқий Оврўпода ҳам талаб катта бўлган. Шунисси диққатга сазоворки, мусулмон савдогарлари ёнларида кўп пул олиб юришмаган. Бу вазифани Х асрдан бошлаб чеклар бажарган.

Савдогарлар ўз сармояларини шаҳарлардаги ишончли вакил — сарроф, ҳозирги тилда айтилса, банкирга бериб, ундан тегишли ҳужжат — чек олишган. Белгиланган манзилда эса чек пулга алмаштирилган. «Чек» сўзининг ўзи ҳам форс тилидан олингани диққатга лойиқ. Муаррихлардан бири ҳақида шундай хотира қолдирган:

— Карвон савдоси билан шуғулланган бой савдогарларнинг мусулмонлар дунёсининг Ғарбий қисмида беришган чеклари мусулмон дунёсининг Шарқий қисмида энг кучли ҳукмдорларнинг хазинасига тушадиган хирожга қараганда ҳисобга тезроқ олинар эди.

Умар Ҳайёмнинг дўсти, султон Маликшоҳнинг бош вазири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида XI асрда подшолар катта харажатларни чек воситасида қоплаганлари ёзилганн диққатга лойиқдир.

Демак ўша узоқ замонлардаёқ, Оврўпода ҳали пул-молия, бозор соҳасида эндигина қадамлар ташланаётган даврда юртимизда ниҳоят ривож топган пул-молия тизими мавжуд бўлган.

Хоразмшоҳлар ва Амир Темур замонида ниҳоят тараққий топган бозор муносабатлари Оврўпо учун сабоқ мактаби бўлганки, бу ҳақида Кастилия қироли Генрих III элчиси Клавихо ҳайратланиб ёзган ва бутун Испания ва Оврўпони Амир Темур юртидан ўрганса арзийдиган нарсалар билан таништирган.

Пул соҳасидаги бундай ғирромликни «оға»лар бошлашган. 1901 йилда Россия ҳукумати ўзига тобе Бухоро амиридан пул ислоҳоти ўтказиб, сифати паст тангани Бухоро тангаси билан қийматини бараварлаштиришни талаб қилди. Русларнинг Пятиалтин деб аталган тангаларида кумуш 6 тийинни, Бухоро тангасида бўлса 11 тийинни ташкил этарди.

Россия ҳукумати ўша йили Амирнинг 45 миллион тангасини ўз банкига олиб, хонликка ўзининг қадри паст тангасини мажбурлаб киритган. Русларнинг 15 тийини Бухоронинг кумуш тангаси билан баробар юришини эълон қилди. Аммо аҳоли уларнинг тангасини олишни истамай ўз Бухоро тангасини олишни афзал билди. Руслар Хива хонлигида ҳам шундай ишларини амалга оширишди. Лекин энг катта ғирромлик Октябрь тўнтаришидан кейин амалга оширилди.

Умуман Ўрта Осиёда 1917 йилдан кейин пулга ишонч қолмади. Россия фақат Осиёда ҳам эмас бутун Оврўпода ҳам ишончсиз шерик сифатида ном чиқарди. Хуллас, Ўзбекистон раҳбарнятининг рубль зонасидан чиқиб, ўз миллий пулини йўлга қўяётгани тарихан адолатли ва табиий қадамдир. Бу тадбир юртимизнинг жаҳоний мавқеини оширади ва Ўзбекистон истиқболига ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳамдам ЖЎРА ўғли.

ГУРУНГ

АГАР МАЛОЛ КЕЛМАСА...

Ҳажвия

Кеча масъул котиб ўринбосари ёнига чақириб, мен билан атрофлича танишиб олди. Онам райОНО да ишлашини билгандан сўнг жиянини боғчага жойлаштиришни илтимос қилиб қолди. Йўқ, десам биринчи қадамим чуқурга босилган бўлади. Қолаверса, мен кечагина университетни битириб таҳририятга келган мухбирман. Ўзимдан катталар бир нарса буюрса бўзрайиб туролмайман-ку! «Жоним билан» дедим-у, ишга киришиб кетдим. Бўлим мудирини хабардор қилиб қўяй десам, у эшигига қуён суратини ёпиштириб кетворган экан.

— Осмондан тушган бўлсангиз ҳам бундай... ишни ўйланг. Ахир, меҳнат интизоми деган нарса ҳам бор, — деди Валихонов эртасига қовоғи қайрилиб кетгудай бўлиб.

Хўп, дедим-у, ўз хонамизга ўтдим. Уч ҳамкасбим хат-қоғозларга кўмилиб ўтирарди. Улар орасида ёши эллиқдан ҳатлаган, вазни ёшига нисбатан уч марта ортиқ, катта мухбир Толмасбой аканинг қулоғи қимирлаганини кўриб қолдим. У ҳаммавақт шунақа. Бирор нарсадан норози бўлса гўштдор чап қулоғи қассобнинг мушуги думидай ликиллаб туради. Бундай пайтлар унинг гапини бўлиб ҳам, икки қилиб ҳам бўлмайди. Чунки табиат унга гавдасига яраша куч ҳам ато қилган. Шундай қўлингиздан ушлайдики, бемажол ўтириб қолиб, тонгни шу ерда оттириб кетаверасиз.

— Нега кеч қолинди, билсак бўладими? Кеча учирма бўлиб, бугун бургутларни назар-писанд қилмаслик...

Яна бир карра тишнитишга қўйиб, тушунтириб беришга тўғри келди. Хайрият, ҳамма асаби қулоғида бўлган, феълнинг мажҳул шаклида гапирадиган Толмасбой ака бу гал вазнига яраша оғирлик қилди.

— Хайрли иш қилинибди, ука. Ёш келса ишга, деганлар. У-бу хизмат билан одамнинг ўт-бети майиб бўлиб қолмайди. Жамоат ишларига бел маҳкам боғланса, кам бўлинмайди, ука. Ҳозир бир чой қўйиб юборилса, кейин кичкинагина хизмат бор, агар малол келмаса.

— Жоним билан.

Чойни қўйиб юборганимда телефон жиринглаб қолди. Трубкани ҳар галгидек Толмасбой ака кўтарди.

— Ассалому алайкум... Эшитамиз, эшитамиз... унинг қиёфаси очилиб кетганди — гўё хонага қуёш кириб келгандай бўлди.

— Хўп, хўп, бемалол, йўғ-ей... бажонидил...

— Оббо, Чаққонбоев-ей, хўп омадинг юришган-да. Масъул котибимиз катта ишонч билдириб, самолётга билет олиб келиб беролмасмикин, деяптилар. У киши ҳар кимга ҳам иш буюравермайдилар.

— Раҳмат, Толмасбой ака... — Бундай ғамхўрликдан эриб кетиб томоғимга бир нарса қадалгандай бўлди.

— Ҳалиги хизматга келинса, уни бир зумда бажарса бўлади. Мана рецепт, бир-икки дорихонага кирилади-ю топилса қайтиларади, — деди у мулойим оҳангда.

— Жоним билан.

Бу гапни эшитган иккинчи ҳамкасбимга ҳам жон кириб қолди. У бу ҳолатни чиройли жилмайиш билан ифода этди:

— Кўпчилик қатори бизгаям бир хизмат қиласиз, укам. Кўриб турибсиз, менинг тиш каналашга ҳам вақтим йўқ. Почтага ўтиб, мана шу текстни телеграмма қилиб юборсангиз. Мана, адрес. Мана пул. Агар малол келмаса, албатта.

— Бемалол, бемалол...

Бошқа нима ҳам дердим. Ахир, булар бир неча йилдан бери таҳририят тупроғини ялаб келишади. «Йўқ» дейиш одобсизлик бўлади. Кеча ишлаб улгурмаган материалларни пешинадан кейин тайёрларман. Шундай ҳаёл билан ҳамма нарсани унутиб, номерга рейд материали тайёрлаётган учинчи ҳамкасбим Сафаржоновга мурожаат қиламан.

— Балки Сизга ҳам у-бу нарса керакдир. Тортинманг, шундай йўл-йўлакай деганларидай...

У менга севимли нарсасини йўқотиб қўйгандай қараш қилди. Уни безовта қилганимдан, фикрини ўғирлаганимдан ўнғайсизландим. Назаримда, ҳозир Сафаржонов ички ҳолатимни гўё рентгенда кўраётгандай кузатиб турарди.

— Раҳмат. Ҳозирча қўлоёғим бутун. Сиздай пайтимда мен белгиланган иш нормамни икки-уч баравар бажариб фақат идоранинг ишидан елиб-югурардим.

«Тўғри гап туққанингга ёқмас». Толмасбой аканинг қулоғи яна ҳаракатга келди. Стол қирсиллаб кетди.

— Илтимос, кесатилмасин. Биз янги ишга келганимизда жамоат ишларига мотоциклни орқада қолдириб югурардик. Чаққонбоев ҳали ёш, нормасини бугун-эрта уддалай олмаса, келаси кунига қўшиб бажараверади-да. Шунгаям ота гўримми...

Шу пайт хонага бўлим мудири — Валихонов кириб қолди. Мен тағин у ҳозирги воқеадан воқиф бўлиб қолмасин, деган андишада гап жиловини илиб кетдим. Кечаги футбол ўйинини шарҳлаб, энди хоккейга ўтиб турувдим, мудиримиз қўли билан «тўхтанг» ишорасини қилди. Ахир, мен уни спортга ишқибоз эмаслигини тушимда кўрибманми?!

— Туман газлаштириш идораси устидан тушган шикоятни материал қилдингизми? Телефон ҳақида ҳам учта танқидий мақолани қўлингизга бергандим.

Унинг талаби тўғри, кўриниши жиддий эди. Анчагача тилимни айлантиролмадим. Ҳамкасбларим эса туя кўрмагандай ўтиришарди. Сафаржоновнинг бир нарса деб қўйишидан чўчиб:

— Материалларни уйга олиб кетиб ишлайман. Душанба куни столингизда бўлади, — дедим шошиб.

У гапларимга ишонмадими ёки ҳаёлига бўлак фикр келиб қолдими, эшикдан чиқаётиб, яна қайтиб кирди.

— Икки кун ичида бажаролмасангиз керак. Ёдимдан кўтарилай дебди. Қишлоқ хўжалиги бўлими мудири эртага янги уйга кўчмоқчи. Сизни қарашиб юборишингизни мендан илтимос қилганди. Якшанба куни эса бизникида ҳашар бор. Сизни айтмасам, кўнглингизга келиши мумкин.

Гапнинг қисқаси, бир ойдирки, ранг-баранг илтимосларни бажариш билан банд бўлиб, қаламни қайси қўл билан ушлашни ҳам унутаёздим. Ақлим етиб турибди: эртами-индин менинг масалам касаба уюшмаси мажлисига қўйилади. Ҳайдашади, дейсизми, йўқ, ҳайфсан беришади. Оёқ-қўли чақонгина, ҳар қандай «жамоат топшириғини» дўндирадиган ёш ходимни ишдан ҳайдаш «адолатдан» эмаслигини улар яхши билишади. Хуллас, олдимда икки муаммо кўндаланг турибди. Бири — бош муҳаррир ҳузурига кириб, бор гапни айтишим ёки ёш деб доим иш буюравермасликлари учун ғоят тез суръатлар билан улғайишим керак.

Абдунаби МАННОПОВ.

ДИНОЗАВРЛАРГА НИМА БЎЛГАН?

«Америка овози» радиосининг хабарига қараганда Хьюстон (Техас штати)даги коинот тадқиқотлари институти олимлари динозаврлар ер юзидан 65 миллион йил илгари йўқ бўлиб кетганлиги тўғрисидаги назарияни тасдиқловчи янги маълумотлар ҳақида фикр билдиришган. Маълум бўлишича, ўша даврда ерга юқоридан тушган улкан метеорит бунга сабаб бўлган экан. Бу метеорит жуда катта тезлик билан тушган. Ерга урилиш оқибатида кенглиги 300 километр, чуқурлиги қарийб 20 километрли кратер ҳосил бўлган. Бу кратер эса Мексика қўлтиғидир.

Хьюстон олимлари бу тадқиқотларга мувофиқ метеоритнинг ерга урилиш кучини бир вақтнинг ўзида портлаган 300 миллионта атом бомбаси кучига қиёсламоқдалар. Олимларнинг фикрича, бундай урилиш натижасида атмосферага ёйилган тутун, буғ ва чанг қуёшни тўсган. Оқибатда ер юзида ҳарорат кескин пасайиб, ўсимликлар дунёсининг анчагина қисми ва динозаврлар йўқ бўлиб кетган.

ҲАР СОНИЯДА УЧ КИШИ

«Шпигель» журналининг ёзишича, Ер юзи аҳолиси ҳар сонияда шунча кишига кўпаяр экан. Агар кўпайиш шу тарзда давом этадиган бўлса, келгуси асрда аҳоли сони 12-14 миллиард кишига етиши мумкин. Олимларнинг огоҳлантиришича, жаҳон сиёсатидаги беқарорлик кўпгина мамлакатларни қийин аҳволда қолдиради. Ҳозирги вақтда аҳолиси 10,7 миллион кишини ташкил этиб, бу борада жаҳон шаҳарлари ўртасида учинчи ўринда турган Токио шаҳри 2000-йилга бориб аҳолиси 28 миллионга етади. Айни пайтда Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳри аҳолиси 22,6 миллион кишини ташкил этади. Шунингдек, Бомбейда 8,1, Шанхайда — 17,4, Нью-Йоркда — 16,6, Мехикода — 16,2 миллион киши яшайдиган бўлади.

ИҚТИСОДИЁТ ИУЛИДА

Чонг Ван Чой раҳбарлигидаги Жанубий Корея—МДҲ иқтисодий уюшмаси мамлакатимизга ташриф буюрди.

Корея Республикасининг 170 га яқин корхона ва фирмаларини бирлаштирган бу уюшма делегацияси республикамиз вазирликлари ва муассасалари раҳбарлари билан Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма семинарини ўтказдилар. Маълумки, мамлакатимизда ҳозир 15 дан зиёд Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Маълум бўлишича, ўтган йили жаҳон бўйича 1.841 тонна олтин қазиб олинган. 1991 йили эса бу рақам 1.781 тоннани ташкил этган эди. Ўтган йилги жами олтинлар ҳисобига Жанубий Африка республикаси — 613, АҚШ—327, Австралия—241, Канада—163, Янги Гвинея—75, Бразилия—72, Индонезия—40, Гана—38 тонналик улуш қўшишган. МДҲ давлатларида тайёрланган олтин эса 220—270 тонна атрофида деб баҳоланмоқда. Тоза олтин кўпроқ заргарларга керак бўлгани ҳам аниқланди. Улар ўтган йили 2.111 тонна олтинни тасарруф этишган бўлса, электрон саноати корхоналарида 147 тонна ишлатилган. Тайван олтинни энг кўп импорт этувчи мамлакатлардан бўлиб чиқди. Бу ерга ўтган йили ҳаммаси бўлиб 111 тонна тилла келтирилган.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4,44-62;
Бухорода — 3-96-12; Каршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624.
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

●Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—635. № 221. топширилди — 20.30
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.